

Биринчи босма

НАМОЗ ВА ТАҲОРАТНИ ЎРГАНАМАН



Асим Уйсал



Издательская
группа САД

t

Осим Уйсал

КАТТАЮ КИЧИК ҲАММА УЧУН
ТАҲОРАТ ВА НАМОЗНИ ЎРГАНАМАН

Таржима

Умид Толипов

Таҳрир

Абу Ҳанифа Китобдор

Тасҳих

Умархон Китобдор

Бу китоб таҳоратни тўғри олишни ва намозни тўғри ўқишни ўргатади. Шунингдек, унда имон асослари ҳам қисқача тушунтирилган.

Барча ёшдаги кишиларга мўлжалланган.

Учусь тахарату и намазу на узбекском языке.

Издание первое, 80 стр. Тираж: 4.500 экз.

ISBN 978-5-91811-002-7

Книги можно заказать:

Почтовый адрес: 125412 г. Москва, а/я 28

Офис: г. Москва, м. Петровско-Разумовская, ул. Ангарская, 21

Тел / Факс: 8 (499) 9066717 - 8 (495) 7074666, 8 (905) 7347083

www.sadpress.com / izdatelstvo-sad@yandex.ru



SAD GRAPHICS

Тел: 8 (499) 9066717 - 8 (495) 7074666, 8 (905) 7347083

izdatelstvo-sad@yandex.ru - <http://www.sadpress.com>

Дизайн: Адем Оздемир

КАТТАЮ КИЧИК ҲАММА УЧУН

ТАҲОРАТ ВА НАМОЗНИ ЎРГАНАМАН

Биринчи босма

Осим Уйсал



Москва - 2010

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим

Бу дунёда барчага меҳрибон, охират куни фақат мўминларга раҳмли Буюк Оллоҳ номи ила.

* * *

ИМОН ҲАҚИДА ҚИСҚА САВОЛ ВА ЖАВОБЛАР

– Раббинг ким?

– Оллоҳ.

– Сени ким яратди?

– Оллоҳ.

– Кимнинг қулисан?

– Оллоҳнинг.

– Биз қаердан келдик ва қаерга қайтамиз?

– Биз Оллоҳданмиз ва Унга қайтгувчимиз.

– Биз нима учун яратилдик?

– Оллоҳга хизмат ва қуллик (ибодат) қилиш учун.

– Оллоҳга хизмат нима дегани?

– Оллоҳга хизмат – Унга ибодат қилиш ва Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатган йўлдан юришдир. Бу дунёдаги ёлғиз тўғри йўл Ислому йўлидир.

– Қачондан бери мусулмонсан?

– Оллоҳга шукр, «Қола бало»дан бери мусулмонман.

– «Қолу бало» нима?

– Ҳақ таоло руҳимизни яратганида уларга хитоб қилиб: «Аласту бироббикум?» — «Мен сизларнинг Раббингиз эмасманми?» деб сўраган («Қолу»). Руҳлар эса «Бало», яъни, Сен бизнинг Раббимизсан, Сенгагина итоат қиламиз, Сендангина ёрдам сўраймиз, дейишган.

– Оллоҳ нечта?

– Оллоҳ битта – ягонадир.

– Қайси диндасан?



- Ислом динидаман.
- **Китобинг қайси?**
- Китобим Қуръони карим.
- **Қибланг қаер?**
- Қиблам Каъбаи муаззама.
- **Кимнинг авлодисан?**
- Пайғамбар Одамнинг (алайҳиссалом) авлодиман.
- **Кимнинг умматисан?**
- Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) умматиман.
- **Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оталарининг исми нима?**
- Абдуллоҳ.
- **Сут оналари ким эди?**
- Ҳалима.
- **Боболарининг исми нима эди?**
- Абдулмутталиб.
- **Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қаерда дунёга келдилар?**
- Маккаи мукаррамада.
- **Қачон дунёга келдилар?**
- Милодий ҳисоб билан 571 йил апрелининг 21-куни.
- **Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ота-оналари қачон оламдан ўтишган?**
- Оталари Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туғилишларидан икки ой олдин, оналари эса, Сарвари Олам олти ёшга тўлганларида оламдан ўтишган.

– **Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбарлик даврлари қачон бошланди?**

– Қирқ ёшга тўлганларида бошланиб, 23 йил давом этди.

– **Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ўткинчи дунёни қачон тарк этдилар?**

– Ҳижрий ҳисоб билан олтмиш уч ёшларида.

– **Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабрлари қаерда?**

– Мадинаи мунавварада.

– **Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нечта фарзандлари бўлган ва улар кимлар?**

– Еттита бўлган. **Қизлари:** Зайнаб, Руқайя, Умму Гулсум ва Фотима; **ўғиллари:** Қосим, Абдуллоҳ, Иброҳим. Фотимаи Заҳродан бошқа ҳамма фарзандлари Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётлик чоқларида оламдан ўтишган.

– **Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг жуфти ҳалоллари биз учун ким бўлишади?**

– Улар бизнинг оналаримиздир, яъни: мўминлар онаси.

– **Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) илк жуфти ҳалоллари ким бўлган?**

– Илк жуфти ҳалоллари Хадичаи Кубродир (розияллоҳу анҳа).

– **Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нечта набиралари бўлган?**

– Икки ўғил набира – Ҳасан (р.а.) ва Ҳусайн (р.а.), икки қиз набира – Зайнаб (р.а.) ва Сукайна (р.а.).

– **Улар кимнинг фарзанди бўлган?**

– Ҳазрати Али (р.а.) билан Фотима (р.а.) фарзандлари бўлган.

32 ФАРЗ

Имон: Оллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туширган ҳар бир нарсани қалб билан тасдиқлаб, тил билан иқрор бўлиш шарт.

ИМОННИНГ ШАРТИ ОЛТИТА:

1. Оллоҳнинг ягоналигига ишониш.
2. Оллоҳнинг фаришталарига ишониш.
3. Оллоҳнинг китобларига ишониш.
4. Оллоҳнинг пайғамбарларига ишониш.
5. Ўлгандан кейин тирилишга ишониш.
6. Тақдирга, яъни, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Оллоҳдан эканлигига ишониш.

ИСЛОМНИНГ ШАРТИ БЕШТА:

1. Калимаи шаҳодат келтириш.
2. Намоз ўқиш.
3. Рўза тутиш.
4. Закот бериш.
5. Ҳаж қилиш.

ТАҲОРАТНИНГ ФАРЗИ ТҶҲҲТА:

1. Юзни пешонанинг соч чиққан қисмидан ияк остигача ювиш.
2. Қўлларни тирсақлар билан қўшиб ювиш.
3. Бошнинг тўртдан бир қисмини масҳ этиш.
4. Оёқларни тўпиклари билан қўшиб ювиш.

ҲУСЛНИНГ ФАРЗИ УЧТА:

1. Оғизни яхшилаб ювиш.
2. Бурунга ачиштиргунча сув тортиб ювиш.
3. Бутун вужудни бирон қуруқ жой қолдирмай ювиш.

ТАЯММУМНИНГ ФАРЗИ УЧТА:

1. Ният қилиш.
2. Икки қўлини тоза тупроққа уриб юзга суриш.
3. Қўлларини иккинчи марта тоза тупроққа уриб, билакларга суриш.

НАМОЗНИНГ ФАРЗИ ЎН ИККИТА:

Олтитаси намоз ичида, олтитаси ташида.

Ташидаги фарзлар «шарт» дейилади, улар бажарилмай туриб намозни бошлаб бўлмайди. Ичидаги фарзлар «рукн» дейилади, улар бажарилмаса намоз бузилади.

НАМОЗНИНГ ОЛТИ ШАРТИ (Намоздан олдинги фарзлар):

1. Таҳорат бўлмаса, таҳорат олиш, жунуб бўлса, ғусл қилиш.
2. Вужуд, кийим, намоз ўқиладиган жой тоза бўлиши.
3. Аврат ерлари беркитилиши (эркакларда аврат киндикдан оёқ тўпиқлари остигача, аёлларнинг юзи, оёқ тўпиқлари, кафтларидан бошқа бутун вужуди аврат, яъни, беркитилиши лозим бўлган жойлардир. Аврат жойидан уч бармоқ миқдорича кўринса, намоз саҳиҳ бўлмайди).
4. Қиблага томон бурилиш.
5. Намозни вақтида ўқиш.
6. Ўқиётган намозга ният қилиш.

НАМОЗНИНГ ОЛТИ РУКНИ (Намознинг ичидаги фарзлар):

1. Ифтитоҳ такбири.
2. Тик туриш.
3. Қуръон ўқиш.
4. Рукуъ қилиш.
5. Сажда қилиш.
6. Охириги таҳийётда ўтириш (қаъдаи охир).

АМАЛЛАР ТУРИ

Фарз: Оллоҳ таолонинг бажарилиши шарт бўлган буйруқларидир. Масалан, намоз, рўза, закот каби. Фарзни адо этмаслик ҳаром. Фарзни инкор этган киши диндан чиқади.

Суннат: Суюкли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амаллари. Буларни бажариш аъло, бирон сабаб билан бажармаслик гуноҳ эмас.

Ҳаром: Ман этилган амаллар. Масалан, маст қилувчи ичимликларни ичиш, аёллар бегона эркаклар олдида авратини очиб юриши. Ҳаромдан ўзини тийган ажр-савобга эришади, ҳаром амалларни бажарган инсон гуноҳкор бўлади, ҳаромни ҳаром эмас деган киши диндан чиқади.

Ҳожатхонага кираётган киши учун қуйидагилар одоб ҳисобланади:

1. Киришдан олдин ушбу дуони ўқиш:

«Оллоҳумма инни аъзузу бика минал хубси вал хобаис» – Эй Раббим, эркак ва аёл шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ тилайман.

2. Ҳожатхонага чап оёқ билан кириб, ўнг оёқ билан чиқиш.

3. Ҳожатхонадан чиққач ушбу дуони ўқиш:

«Фуфронака. Алҳамдулиллаҳиллази азҳаба ўаннил азаа ва ўофаний» – Гуноҳларимни кечирган, мени хотиржам қилган ва мендан азиятни кетказган Оллоҳга ҳамд бўлсин.

4. Қазои ҳожатни ўтирган ҳолда қилиш.



Ҳожатхонада емоқ, ичмоқ ва сўзлашмоқ мумкин эмас.

«Истинжо» деб нажосат чиқадиган ўринларни сув билан тозалаш, «истижмор» деб эса кесак-тош билан тозалашга айтилади.

Истинжо – қоғоз ё кесак ишлатиб сўнг сув билан ювиб тозалаш улардан бири билан кифоялангандан кўра афзал ҳисобланади.

ТАҲОРАТ

Таҳорат – ювилиши фарз бўлган ҳар бир аъзони қолдирмасдан ювиш. Бунда 1) юзни ювилади; 2) икки қул тирсақлари билан қўшиб ювилади; 3) бошнинг тўртдан бирига бир марта масҳ тортилади; 4) икки оёқни ошиқлари билан қўшиб ювилади.

Таҳорат олиш тартиби:

- қиблага юзланган ҳолда ўтирилади;
- бошлашда «аъзу» билан «бисмиллоҳ» айтилади;
- сўнг икки қўл бўғинигача уч марта ювиб олинади (бармоқлар орасида сув тегмаган жой қолмаслиги шарт; узук бўлса, ечиб олинади ёки силжитиб қўйилади);



– оғизга ўнг қўл билан сув олиб ғарғара қилинади, тишлар мисвок ёки бармоқлар ёрдамида тозаланади;



– бурунга уч марта ўнг қўл билан сув олиб, чап қўл билан қоқилади;



– юз уч мартаба ювилади;



– икки қўл тирсаклари билан қўшиб уч маротаба ювилади;





– бошнинг тўртдан бирига, икки қулоқ ичи ва ташига, сўнгра бўйинга бир марта масҳ тортилади;





– олдин ўнг оёқни, кейин эса чап оёқни ошиғи билан уч маротаба ювилади.



Таҳорат сўнгида тик туриб бир қултум сув ичиб олиш суннатдир. Шунингдек, калимаи шаҳодатни айтиш ва Қадр сура-сини уч маротаба ўқиш фазилатли амаллардандир.

Таҳоратнинг фарзлари

1. Юзни бир марта ювиш.
2. Икки қўлни тирсаклари билан қўшиб бир марта ювиш.
3. Бошнинг тўртдан бирига бир марта масҳ тортиш.
4. Иккала оёқни ошиғи билан қўшиб бир марта ювиш.

Таҳоратнинг суннатлари

1. Ният.
2. Таҳоратни «Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожим, бисмиллаҳир роҳманир роҳим» деб бошлаш.
3. Таҳоратни бошлашдан олдин икки қўлни бўғинигача уч мартадан ювиб олиш.
4. Таҳоратда мисвок ишлатиш.
5. Аъзоларни қуруқ жой қолдирмасдан ювиш.
6. Ювиш талаб қилинган ўринларни сув билан ишқалаш.
7. Оғизга уч маротаба сув тўлдириб фарғара қилиш.
8. Рўзадор бўлмаса, оғизни яхшилаб чайиб юбориш.
9. Бурунга ўнг қўл билан сув олиб, чап қўл билан қоқиш; рўзадор бўлмаса, бунга кўпроқ сув ишлатилиш керак.
10. Таҳорат амалларини орага бошқа иш аралаштирмасдан кетма-кет бажариш.
11. Ҳар бир аъзони уч мартадан ювиш.
12. Қўл ва оёқни ювиш; бармоқлари учидан бошлаш.
13. Бармоқ ораларини яхшилаб ювиш.
14. Сувни соқол остига етказиш.
15. Узук бўлса, унинг остига сув тегиши учун ҳаракатлантириб қўйиш.
16. Икки қулоққа нам қўл билан масҳ тортиш.

Таҳоратни бузадиган ҳоллар

1. Кишининг икки (орқа ва олди) нажосат йўлидан

чиқадиған ҳар қандай нарса таҳоратни синдиради. Улар хоҳ бавл бўлсин, хоҳ ел бўлсин.

2. Баданнинг қайси жойидан қон ёки йиринг чиқса ва тоза жойга ёйилса.

3. Оғиз тўлиб қайт қилиш.

4. Милк қонаб, тупукда қон ранги устун бўлиб кетиши.

5. Ёнбошлаб ёки бир нарсага суяниб ухлаш.

6. Мастлик, ҳушдан кетиш.

7. Намоз пайти ўзидан бошқа одамлар эшитадиган даражадаги кулги.

8. Таҳорат олинадиган аъзоларда танада сув ўтказмайдиган моддалар (тирноқ бўёғи, хамир ва ҳоказо) бўлса, таҳорат олинмаган ҳисобланади.

Таҳоратсиз кишига ҳаром ишлар

1. Намоз ўқиш.

2. Қуръони каримни ушлаш.

3. Байтуллоҳни тавоф қилиш.

4. Тиловат саждаси, шукр саждаси ва саждаи саҳвни қилиш.

ТАЯММУМ

Таяммум - сув топилмаганида юз ва қўлларга тоза тупроқ суриб покланиш.

Таяммум қилиш тартиби: Ичида «аъзу» билан «бисмиллоҳ»ни айтгач, ният қилинади: «Таяммум ёрдамида покланишга ният қилдим» дейилади ва шу гаплар кўнгилдан ўтказилади. Сўнг икки кафт покиза тупроққа енгилгина урилади ва кафтлар юзга суртилади. Кейин яна бир марта тупроққа урилиб,



энди кафтлар галма-гал иккала қўлга тирсаккача суртилади. Эркаларга ҳам, аёлларга ҳам таяммум тартиби бир хилдир.

Таяммум фарзлари

1. Ният қилиш.
2. Икки қўлни тоза тупроққа уриб юзга суриш ва қўлларни иккинчи марта тоза тупроққа уриб, билакларга суриш.

Таяммум суннатлари

1. Таяммумни «аъзу» ва «бисмиллоҳ» билан бошлаш.
2. Кафтлар тупроққа урилганида очик ҳолатда бўлиши.



3. Кафтлар тупроққа урилганида орқага ва олдинга ҳаракатлантириш.

4. Амалларни тартиби билан бажариш.



Таяммум қилишга қачон ижозат бўлади?

Қўйидаги сабаблар юзага келса, киши таҳорат ўрнига таяммум қилиши мумкин:



1. Сув энг камида бир мил масофа (тахминан 3032 метр) теварақда бўлмаса.

2. Киши хаста бўлиб, баданига сув тегиши хасталигини оширса.

3. Ҳаво қаттиқ совуқ бўлиб, саломатлигига таъсир этса.

4. Душман хавфи бўлса.

5. Сув қаттиқ танқис бўлса (тежаш маъносида).

Таяммум қилинаётганда узук ва билакузуклар ечиб олиниши шарт.

КАТТА ТАҲОРАТ – ҒУСЛ

«Ғусл» деб бутун танани ювишга айтилади.

Ғуслнинг фарзлари:

1. Мазмаза – оғизни яхшилаб ювиш.

2. Истиншоқ – бурунга ачиштиргунча сув тортиб ювиш.

3. Бутун вужудни бирон қуруқ жой қолдирмай ювиш.

Мазмазадан сўнг бир қултум сув ичиб юбориш маъқулдир.

Ғуслнинг суннатлари:

1. Кафтларни уч маротаба ювиш.

2. Жинсий аъзоларни ювиш.

3. Танада бирор-бир ифлослик бўлса, ювиб ташлаш.

4. Таҳорат олиш.

5. Баданга уч маротаба сув қуйиш.

6. Бош устидан уч ҳовуч сув қуйиш; олдин ўнг елка, кейин чап елка устидан сув қуйиш.

7. “Ғусл ёрдамида покланишга қасд қилдим” сўзларини айтиб ният қилиш.

8. Кафтларни ювганда «аъзу» билан «бисмиллоҳ»ни айтиш.

9. Сувни тежаш – исроф қилмаслик.

10. Умумий ҳаммомда ғусл қилинса, аврат жойларни бер-китиш.
11. Баданни кафтлар билан ишқалаб ювиш.
12. Бошқа одамлар назари тушмайдиган жойда чўмилиш.
13. Гаглашмаслик.
14. Қибла томонга юзланиш.

Барча фарз, суннат ва тартибларга риоя қилган ҳолда ғусл қилмоқ.

Ғуслни ният қилган одам энг олдин «Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожим, бисмиллаҳир роҳманир роҳим» деб ният қилади.

Кейин икки қўлини ювади.

Кейин орқа ва олди фаржини ювади.

Баданида нажосат бўлса, уни кеткизади.

Кейин худди намозга қилгандек таҳорат олади. Албатта, бунда оғиз-бурун муболаға билан чайқалади.

Агар турган жойида сув кетадиган мослама бўлмай, оёғи тагида сув тўпланиб қоладиган бўлса, оёқларини ювишни ғуслнинг охирига қолдиради.

Сўнгра бошига сув қуйиб ишқаб ювади.

Баданига уч марта – олдин ўнг елкасидан, кейин чап елкасидан сув қуяди.

Қўли билан баданини ишқайди.

Икки қулоғи, киндиги, қўлтиқ ости каби сув етиши қийин жойларига алоҳида эътибор беради.

Ғуслнинг охирида бошқа тарафга ўтиб оёқларини ювади. Сув тўпланмайдиган жойда турган бўлса, оёқларини ҳам ўша ерда ювиб олаверади.

Соч узун бўлса, қўлга сув олиб, панжаларни сочлар остига киритилади.

Агар танада боғланган яра бўлса, ўша ерга нам қўл билан масх тортилади.

Ғуслнинг афзалликлари

Ғул бутун баданни тозалаш бўлиб, поклик, озодалик ва соғлик учун ўта муҳим ишдир.

Қолаверса, ғул қилган одамда қон юриш, юрак ишлаши яхшиланади, одам тетиклашади. Аини чоқда, одам териси касаллик кўзғовчи турли микроблардан тозаланади.

Ғулни вожиб қилувчи нарсалар

Эр-хотин жинсий яқинликдан сўнг, аёллар ҳайз ва нифосдан қутулгач ғул қилишлари шарт. Бунда баданда сув тегмаган нуқта қолмаслиги керак. Ҳар бир тук тола ости ювилиши шарт. Агар аёл эрга қўшилишдан олдин сочини турмаклаб олган бўлса, қўлини хўллаб соч остидан бош танасига сув етказиб қўйса, етади. Ёки бошини ювганда сув соч остларига етиб борадиган бўлса ҳам, сочини ёйиши шарт эмас.

Узук ва зиракларни ўрnidан қимирлатиб қўйиш вожибдир.

Майдони 45-50 квадрат метрни ташкил этувчи оқмас ва покиза ҳовузда оғиз ва бурунни чайиш ҳамда уч маротаба сувга шўнғиш ғул ҳисобланади.

Кишининг оқар сувда чўмилиши ҳам ғул ўрнига ўтади.

Танада сув ўтказмайдиган (тирноқ бўёғи, хамир ва шу каби бошқа) моддалар бўлса, ғулга ўтмайди. Ғул мукамал бўлиши учун сувга кирмасдан бурун баданни ўша моддалардан тозалаб ташлаш керак.

Ғул шарт бўлган ҳолда қуйидаги ишларни қилиб бўлмайди:

1. Масжидга кирилмайди.
2. Қуръони карим ўқилмайди.
3. Қуръони карим ушланмайди.
4. Байтуллоҳ тавоф қилинмайди.
5. Намоз ўқилмайди.
6. Ҳайз ва нифос пайтида аёллар намоз ўқимайди, рўза тутмайди. Поклангандан сўнг рўзанинг қазоси тутиб берилади).



Аёлларга хос ҳолатлар

1. Ҳайз (ой кўриш).
2. Нифос (туғруқдан кейин қон келиши).
3. Узр - бирор бир хасталик туфайли қон кетиши.

Ушбу ҳолатлар ҳақида билимга эга бўлиш ҳар бир аёл учун фарздир. Унга билим бериш эр ва валийлар зиммасидадир.

АЗОН

“Оллоҳу акбар” – Оллоҳ буюқдир (4 мартаба).

“Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ” – Гувоҳлик бераман: Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир (2 мартаба).

“Ашҳаду анна Муҳаммадар росулulloҳ” – Гувоҳлик бераман: Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Оллоҳнинг элчисидир (2 мартаба).

“Ҳаййа ўалас солаҳ” – Намозга келинг (2 мартаба).

“Ҳаййа ўалал фалаҳ” – Нажотга келинг (2 мартаба).

“Оллоҳу акбар” – Оллоҳ буюқдир (2 мартаба).

“Ла илаҳа иллаллоҳ” – Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир (1 мартаба).

Бомдод намози учунги азонда «Ҳаййа ўалал фалаҳ»дан сўнг икки мартаба **“Ассолату хойрум минан навм”** (Намоз уқудан афзалдир) сўзлари кўшиб айтилади.

Иқоматда «Ҳаййа ўалал фалаҳ»дан сўнг икки мартаба **“Қод қоматис солаҳ”** (Намоз бошланди) дейилади.

Азон теварақда мусулмонлар яққол эшитиши учун баланд овозда ва чўзиб айтилади. Иқомат азонга қараганда тезроқ айтилади.

Азондан кейин ўқиладиган дуо:

Оллоҳумма робба ҳазиҳид даъватит таммаҳ. Вассолатил қоимаҳ, ати саййидина Муҳаммаданил васиилата вал фазиилаҳ. Вад дарожатар рофиаҳ. Ваб'асху мақомам мамуданиллази ваъадтаҳ. Варзуқна шафа'атаҳу явмал қиямаҳ. Иннака ла туҳлифул миъад.

ҲИКОЯ

Бир куни Аҳмад боғдаги ўтларни ўришда отасига ёрдам бераётган эди.

– Ўғлим, илтимос сув олиб кел, – деди отаси.

Ота сув ичаётган пайти намозга азон айтилди.

– Раҳмат, ўғлим! – деди ота. – Сен айтганимни қилдинг. Энди иккаламиз Оллоҳ таолонингайтганини қилишимиз керак.

Аҳмад отасига ҳайрон бўлиб қаради:

– Ота, Оллоҳ нимадур қилишимизни хоҳлаяптими?

– Ҳа, ўғлим.

– Лекин мен ҳеч нарсани сезмадим!

– Ахир сен азонни эшитяпсан-ку!

– Албатта, лекин...

– Оллоҳ таоло ўз буйруқларини бизга турли йўллар билан етказди. Масалан, азон мусулмонларга намоз ўқиш ҳақидаги буйруқни эслатади. Шунинг учун, намоз вақти кирганида, биз доим ушбу буйруқни эшитамиз.

М. Яшар Хондамир



НАМОЗ

Намозни тарк этганнинг жазоси

Суюкли Пайғамбаримиз (соллалоҳу алайҳи ва саллам) бизни бундай огоҳлантирганлар:

«Биз билан у (мушрик ва кофир)лар ўртасидаги фарқ – намоздир. Ким уни тарк этса, кофир бўлади».

Исломда кишини намозни адо этиш бурчидан тамоман озод қиладиган бир сабаб йўқ. Намозни ҳатто касал ва заиф кишилар ҳам ўқийди. Жанг майдонида ҳам намозни тарк этишга рухсат йўқ.

Намозни тарк этганлар билан бир қаторда, уни мукаммал адо этмаганлар ҳам жазога лойиқдир.

Намоз вақтлари

1. Бомдод намози. Қуёш чиққунига қадар ўқилади. 4 ракат – 2 ракат суннат ва 2 ракат фарз ўқилади.

2. Пешин намози. Туш пайтида қуёш кун ботиш томонга мойил бўлганидан бошлаб, то ҳар бир нарсанинг сояси ўзига икки баробар бўлгунича ўқилади. Ҳаммаси 10 ракат – 4 ракат суннат, 4 ракат фарз, 2 ракат суннат.

3. Аср намози. Вақти пешин намозининг вақти туганидан сўнг то қуёш ботгунича ўқилади. 4 ракат фарз. Одатланганлар фарздан олдин 4 ракат нофила суннат ҳам ўқишади.

4. Шом намози. Вақти қуёш ботганидан сўнг то осмондаги қизил шафақ йўқолгунча. 5 ракат – 3 ракат фарз, 2 ракат суннат.

5. Хуфтон намози. Вақти шом намози тугаганидан сўнг то тонг отгунигача. 9 ракат – 4 ракат фарз, 2 ракат суннат, 3 ракат витр вожиб.

Витр намози – доим хуфтон намозидан кейин ўқилади

Фарз намозлар – Оллоҳ таоло очиқ буюрган намозлар.

Вожиб намозлар – Оллоҳ таоло Қуръони каримда ишора билан – зимний амр этган намоз. Муҳимлиги бўйича фарз намозига яқин туради.

Суннат намозлар – Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биз умматларига буюрган намозлар.

Нафл намозлар – ўқиган тақдиримизда бизни Оллоҳ таолога янада яқинлаштирадиган намозлар.

Намоз ўқиш жоиз бўлмаган вақтлар

1. Қуёш чиқаётган вақт. Бомдод намози ўқиладиган пайтда қуёш чиқса, намоз бузилади.

2. Қуёш тик бўлган вақт. Пешин намози вақти киришидан 4 - 5 дақиқа олдин бошланади.

3. Қуёш ботиши. Ушбу вақт шом намози азонидан 4 - 5 дақиқа олдин бошланади. Бу пайтда кечиккан фарз аср намозинигина ўқиш мумкин.



БОМДОД НАМОЗИНИ ЎҚИШ ТАРТИБИ

НАМОЗ БОШИ ВА НИЯТ

1. Таҳорат олинганидан сўнг Каъба томонга юзланган ҳолда тик туриб Ыйидагича ният қилинади:

“Оллоҳ таоло розилиги учун бомдод намози суннатини (ёки: фарзини) ўқишга ният қилдим”.

Бу пайтда одам ўзини эркин тутиши керак. Нигоҳлар сажда қилинадиган нуқтага қаратилиши лозим. Оёқлар орасидаги масофа тўрт бармоқ кенлигида бўлсин.



ТАКБИРИ ТАҲРИМА АЙТИШ

2. Ният қилгандан кейин “Оллоҳу акбар” деб такбир ай-тилади. Бунини айтиш асносида кафтлар очиқ ҳолатда бош бармоқлар учи қулоқлар юмшоғига теккудек даражага кўтарилади; очиқ кафтлар Каъба томонга қаратилади.

3. Сўнгра ўнг кафт ичини чап кафт устига қўйиб, қўллар киндик остида боғланади.

Аёллар икки қўли учини елка баробарида кўтариб, қўлларини кўракка қўйишади.



ҚИЁМ ВА ҚИРОАТ

(ТИК ТУРИШ ВА ҚУРЪОНИ КАРИМНИ ЎҚИШ)

4. Тик турган ҳолда қўллар киндик остида бирлаштирилганидан кейин ичда (овоз чиқармасдан) “Субҳанака” дуосини ўқилади:





«Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдик. Ва табарокасмук. Ва таъала жаддук. Ва ла илаҳа ғойрук».

5. Кейин Фотиҳа сураси ўқилади:

أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ

Аъзу биллаҳи минаш шайтони́р рожим.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ {١}
 الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ {٢}
 الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ {٣}
 مَالِكِ يَوْمِ الدِّينِ {٤}
 إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ {٥}
 اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ {٦}
 صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ
 عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ {٧}

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Алҳамду лиллаҳи Роббил ʒаламин. Ар-роҳманир роҳим. Малики йавмид дин. Ийјака наъбуду ва ийјака настаъин. Ихдинас сиротол мустақим. Сиротоллазина анъамта ʒалайҳим. Ғойрил мағдуби ʒалайҳим валад-до-оллиин. Амин.

6. Фотиҳа сураси ўқилганидан сўнг ўртада «бисмиллоҳ»ни айтмай биронта кичик сура ёки бошқа суралардан бир неча оят ўқилади. Масалан, Кавсар сураси:

إِنَّا أَعْطَيْنَاكَ الْكَوْثَرَ {١}
 فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَأَنْحَرْ {٢}
 إِنَّ شَانِئَكَ هُوَ الْأَبْتَرُ {٣}

«Инна аътойна кал кавсар. Фасолли ли роббика ванҳар. Инна шаани’ака ҳувал абтар».



РУКУЪ

7. Қироатдан (Фотиҳа ва кетидан бирор кичик сура ўқилганидан) сўнг “”Оллоҳу акбар” деб руку қилинади. Рукуда икки кафт билан тиззалар кўзи ушланиб, бош билан бел бир текис қилинади. Ушбу ҳолатда 3, 5 ёки 7 мартаба «Субҳана Раббиял ъазим» тасбеҳи айтилади.



Аёллар эркакларга нисбатан озроқ эгиладилар. Тиззаларини бир оз букадилар. Бармоқларини жамлаб тиззаларини ушлайдилар.

Қавма – рукудан сўнг саждага кетгунча ораликдаги тик туриш ҳолати



8. Рукудан “СамиъОллоҳу лиман ҳамидаҳ”, деб турилади. Бир тасбеҳ миқдорича мана шу тик туриш ҳолати “қавма” дейилади. Қавма ҳолида: “Роббана лакал ҳамд” дейилади. Кейин «Оллоҳу акбар» деб саждага кетилади.

САЖДА

9. Саждада ерга олдин тиззалар, кейин кафтлар, сўнг бурун, охири пешона қўйилади. Тирсақларни ерга ва икки биқинига теккизмасдан, имкон борича ҳар бир аъзони, хусусан, оёқ бармоқларини қиблага юзлантириб, хотиржам ҳолда “Субҳана Роббиял аъло” деб уч марта айтилади.



Аёллар тирсакларини ерга ётқизиб, улар билан баданларини қисиб олишади.



10. Кейин «Оллоҳу акбар» деб саждадан бош кўтарилади ва тиз чўккан ҳолда бир оз ўтирилади.

Икки сажда орасидаги озгина бу ўтириш “жалса” дейилади.

Жалсада чап оёқ тўшаб, ўнг оёқнинг кафти тик қилиб, бармоқлари учини қиблага йўналтирган ҳолда ўтирилади.

Бармоқлар учи тизза кўзига тенг қилиб тутилади – ундан осилиб тушиб ҳам кетмайди, тиззага етмай ҳам қолмайди.

Ушбу ҳолатда бир марта «Субҳаноллоҳ» деб айтиш учун етарли вақт миқдорича ўтирилади.



Аёллар жалсада иккала оёғини ҳам ўнг тарафга чиқариб ўтиради.

Кейин «Оллоҳу акбар» деб иккинчи марта саждага борилади ва уч марта “Субҳана Роббийал аъла” деб айтилади

ИККИНЧИ РАКАТ

11. «Оллоҳу акбар» деб иккинчи ракатни ўқиш учун ўриндан турилади.

Шу билан бомдод намозининг биринчи ракати тугаб, иккинчи ракати бошланади.

ИККИНЧИ РАКАТДАГИ ҚИЁМ ВА ҚИРОАТ

Иккинчи ракатда “Субҳанака” дуоси ўқилмайди. Қўллар бирлаштирилганидан кейин «бисмиллоҳ» билан Фотиҳа сураси ва яна биронта кичик сура ўқилади:

{ ۱ } بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

{ ۲ } الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِیْنَ

{ ۳ } الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

{ ۴ } مَالِكِ یَوْمِ الدِّیْنِ

{ ۵ } اِیَّاكَ نَعْبُدُ وَاِیَّاكَ نَسْتَعِیْنُ

{ ۶ } اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِیْمَ

صِرَاطَ الَّذِیْنَ اَنْعَمْتَ عَلَیْهِمْ غَیْرِ الْمَغْضُوْبِ

{ ۷ } عَلَیْهِمْ وَلَا الضَّالِّیْنَ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Алҳамду лиллаҳи Роббил ʔаламин. Ар-роҳманир роҳим. Малики йавмид дин. Иййака наъбуду ва иййака настаъин. Ихдинас сиротол мустақим. Сиротоллазина анъамта ʔалайҳим. Ғойрил мағдуби ʔалайҳим валад-до-оллин. Амин.

Сўнгра кетидан, масалан, Ихлос сураси улаб юборилади:

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ
 قُلْ هُوَ اللّٰهُ اَحَدٌ {۱} اللّٰهُ الصَّمَدُ {۲}
 لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ {۳} وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا اَحَدٌ {۴}

«Қул хуваллоҳу аҳад. Оллоҳус сомад. Лам йалид ва лам юлад. Ва лам йакуллаҳу куфуван аҳад».



РУКУЪ

12. Кейин «Оллоҳу акбар» деб рукуга борилади. Ушбу ҳолатда 3 мартаба “Субҳана Роббиял ʔазим” тасбеҳини ай-тилади.

Аёллар эркакларга нисбатан озроқ эгиладилар. Тиззаларини бир оз букадилар. Бармоқларини жамлаб тиз-заларини ушлайдилар.



Руқдан “СамиъОллоху лиман ҳамидаҳ”, деб тургандан сўнг қовмада “Роббана лакал” ҳамд дейилади. Кейин «Оллоху акбар» деб саждага кетилади.



САЖДА

Саждада “Субҳана Роббиял аъло” деб уч марта айтилади. Кейин «Оллоху акбар» деб саждадан бош кўтарилади ва тиз чўккан ҳолда бир тасбеҳ миқдорича ўтирилади. Кейин «Оллоху акбар» деб иккинчи марта сажда қилинади. Уч марта “Субҳана Роббиял аъла” деб айтилади.



Аёллар тирсакларни ерга теккизиб, улар билан баданларини қисиб олишади.



ТАҲИЙЯТ УЧУН ЎТИРИШ

«Оллоҳу акбар» деб иккинчи саждадан бош кўтаргач, чап оёқ қадамини тўшаб, унинг устига ўтирилади, ўнг оёқ қадамнинг бармоқлари қиблага қаратилган ҳолда тик қилинади. Нигоҳ эса кўксида бўлади.

Бу ўтириш «қаъдаи охир» (охирги ўтириш) деб аталади ва ушбу ҳолда аттаҳийят дуоси ўқилади.

Аёлларнинг ўтириши бир оз фарқлидир. Улар иккала оёқларини ҳам ўнг томонга чиқариб ўтиришади.



Таҳийят дуоси

“Аттаҳийяту лиллаҳи вас солавати ваттоййибат, ас-саламу ғалайка аййуҳан набийю ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ, ас-саламу ғалайна ва ғала ғибадиллаҳис солиҳин. Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан ғабдуҳу ва росулуҳ”.

«Аттаҳийят» дуосини ўқиб бўлгандан кейин “Солли”, “Барик” ва “Роббана” дуолари ўқилади.

“Оллоҳумма солли ʼала Муҳаммадин ва ʼала али Муҳаммад, кама соллайта ʼала Иброҳима ва ʼала али Иброҳим, иннака ҳамидум мажид”.

“Оллоҳумма баарик ʼала Муҳаммадин ва ʼала али Муҳаммад, кама барокта ʼала Иброҳима ва ʼала али Иброҳим, иннака ҳамидум мажид”.

“Роббана атина фид-дуња ҳасанатан ва фил ахироти ҳасанатан ва қина ʼзабабан нар”.

“Роббанағфирли ва ли валидайя ва лил муъминина йавма йакумул ҳисаб”.

15. Дуоларни ўқиб бўлгач, олдин ўнг елкага юзланиб «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ» деб салом берилади. Кейин чап томонга ҳам худди шу каби салом берилади.

Шундай қилиб киши намозини адо этган бўлади.



Бомдод намозининг фарзи ҳам, суннати ҳам шу тарз бир хил ўқилади. Фақат ниятда фарқ қилади: бирида суннатни, иккинчисида фарзни ўқиш ният қилинади.

Фарз намозидан кейин Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллалоҳу алайҳи ва саллам) уч маротаба “Астағфируллоҳал ʼазим” (Эй Буюк Оллоҳ, гуноҳларимни кечир) деб айтишни тавсия қилганлар.

Намоздан кейин ўқиладиган дуо ва тасбеҳлар

Оллоҳумма антас саламу ва минкас салам. Табарокта ўа залжалали вал-икром.

Оллоҳ расулига саловат ўқишда фойда бор (овоз чиқармасдан ўқилади):

:

Оллоҳумма солли ъала Муҳаммад ва ъала али Муҳаммад.

Субҳаноллоҳи вал ҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар. Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил ъалийул ъазим.

Кейин «аъзу» ва «бисмиллаҳ»ни айтиб Қурси ояти ўқилади. Орқасидан куйидаги тасбеҳлар қилинади:

Тасбеҳлар	Маъноси
Субҳаноллоҳ (33 марта)	Оллоҳ покдир!
Алҳамду лиллаҳ (33 марта)	Оллоҳга Мақтовлар бўлсин!
Оллоҳу акбар (33 марта)	Оллоҳ Буюқдир!

Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳ. Лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шайин қодир.

Намоздан кейин ўқиладиган дуолар

Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожим.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Бу дунёда барчага Меҳрибон, охират куни фақат мўминларга Раҳмли Буюк Оллоҳ номи ила.



Оламлар Роббиси Оллоҳ таолого ҳамду санолар бўлсин. Оллоҳнинг элчиси Муҳаммад ибн Абдуллоҳга, у зотнинг оилалари ва асҳобларига салоту саломлар бўлсин.

Ҳамду сано Оллоҳга хосдир. Уни мактаймиз, Ундан ёрдам сўраймиз, Ундан мағфират тилаймиз ва Унга тавба киламиз.

Роббим, мени кечир ва тавбаларимни қабул эт. Сен раҳмли ва тавбаларни қабул этувчи зотсан.

Эй Оллоҳ, мен учун ишимнинг саломати бўлган динимни, тирикчилигим бўлган ҳаётимни, оқибатим бўладиган охиратимни ислоҳ эт! Ҳаётни мен учун барча яхшиликларда зиёда қил! Ҳаётдан кўз юмишни эса барча ёмонликлардан кўра мен учун роҳатбахш қил.



Эй Оллоҳ! Эй ғайб ва ошкора нарсаларни билувчи, осмонлару ерни яратган ва барча нарсанинг Роббиси ва хожаси! Мен Сендан ўзга илоҳ йўқ эканига гувоҳлик бераман ҳамда нафсимнинг ёмонлигидан, шайтон ва унинг улушларидан, ўзимга ёки мусулмонларга ёмонлик қилишимдан Сенинг паноҳингга сиғинаман.

ПЕШИН НАМОЗИНИ ҶҶИШ ТАРТИБИ

2. Пешин намози 10 (ўн) ракатдан иборат – 4 ракат суннат, 4 ракат фарз, 2 ракат суннат.

Пешин намозининг илк суннати: 4 ракат. “Оллоҳ таоло розилиги учун пешин намозининг илк суннатини ўқишга ният қилдим” деб бомдод намозида ўқилгандек икки ракат ўқилади. Иккинчи ракат саждаларидан кейин ўтирилганда “аттаҳийят” ўқилиб, “Оллоҳу акбар” деб учинчи ракатга турилади. Учинчи ва тўртинчи ракат бошларида “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим” деб Фотиҳа сураси, кетидан биронта кичик сура ёки уч оят ўқилади. Тўртинчи ракат охирида ўтириб “аттаҳийят”, “Оллоҳумма солли”, “Оллоҳумма барик” ва “Роббана атина” дуолари ўқилади. Сўнг салом бериб намоз тугатилади.

Пешин намозининг фарзи: 4 ракат. “Оллоҳ таоло розилиги учун пешин намозининг фарзини ўқишга ният қилдим”, деб айтиб кўнгилдан ўтказилади.

Пешин намозининг фарзи, илк тўрт ракат суннат қандай ўқилган бўлса, шундай ўқилади. Фақат учинчи ва тўртинчи ракатларда Фотиҳа сурасидан кейин қисқа сура ўқилмайди.

Биринчи ракат	Иккинчи ракат	Биринчи ўтириш
Иқомат (эркаклар учун)	Бисмиллаҳ	Аттаҳийят
Ният	Фотиҳа сураси	
Такбир	Битта қисқа сура	

Субҳанака	Рукуъ	
Аъзу-Бисмиллаҳ	Сажда	
Фотиҳа сураси		
Битта қисқа сура		
Рукуъ		
Сажда		



Учинчи ракат	Тўртинчи ракат	Қаъдаи охир
Бисмиллаҳ	Бисмиллаҳ	Аттаҳийят
Фотиҳа сураси	Фотиҳа сураси	Оллоҳумма солли
Рукуъ	Рукуъ	Оллоҳумма барик
Сажда	Сажда	Роббана атина
		Салом

Диққат: Пешин, Аср ва Ҳуфтон намозларининг фарзи бир хил ўқилади.



Пешин намозининг охириги икки ракат суннати: “Оллоҳ ооло розилиги учун пешин намозининг икки ракат суннатини ўқишга ният қилдим”.

Диққат: Пешин намозининг икки ракат суннати бомдод намозининг суннати билан бир хил ўқилади. Шом ва Хуфтон намозларида ўқиладиган икки ракат суннат ҳам булар жумласидандир.

АСР НАМОЗИНИ ЎҚИШ ТАРТИБИ

Аср намози 4 ракат фарздор (одатланганлар фарздан олдин 4 ракат нафл суннат ҳам ўқишлари мумкин).

Аср намозининг нафл суннати 4 ракат.

“Оллоҳ таоло розилиги учун аср намозининг суннатини ўқишга ният қилдим”, деб пешин намозида ўқилгандек тўрт ракат ўқилади. Фарқи шундаки, иккинчи ракатдан кейинги ўтиришда “Аттаҳийят”дан кейин “Оллоҳумма солли” ва “Оллоҳумма барик” дуолари ҳам ўқилади. Сўнг “Оллоҳу акбар” деб учинчи ракатга турилади. Учинчи ракат бошида “Субҳанака, ” “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим”, Фотиҳа сураси, биронта кичик сура ёки учта оят ўқилади. Тўртинчи ракатда эса “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим”, Фотиҳа сураси, биронта кичик сура ёки учта оят ўқилади.

Аср намозининг фарзи: “Оллоҳ таолонингрозилиги учун аср намозининг фарзини ўқишга ният қилдим” деб пешин намозининг фарзи каби ўқилади.

ШОМ НАМОЗИНИ ЎҚИШ ТАРТИБИ

Шом намози 5 (беш) ракатдан иборат - 3 ракат фарз, 2 ракат суннат.



Шом намозининг фарзи: “Оллоҳ таоло розилиги учун шом намозининг фарзини ўқишга ният қилдим”, деб бомдод намозида ўқилгандек икки ракат ўқилади. Иккинчи ракат охирида ўтириб “Аттаҳийят” ўқилади. Кейин “Оллоҳу акбар” деб учинчи ракатга турилади. Учинчи ракатда “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим”, Фотиҳа сураси ўқилади. Ракат сўнгида эса «Аттаҳийят», “Оллоҳумма солли”, “Оллоҳумма барик” ва “Роббана атина” дуолари ўқилиб салом берилади.

Шом намозининг суннати: “Оллоҳ таоло розилиги учун шом намозининг икки ракат суннатини ўқишга ният қилдим”.

Шом намозининг икки ракат суннати бомдод намозининг суннати билан бир хил ўқилади.

ХУФТОН НАМОЗИНИ ЎҚИШ ТАРТИБИ

Хуфтон намози 6 (олти) ракатдан иборат - 4 ракат фарз, 2 ракат суннат.

Хуфтон намозининг фарзи 4 ракат. “Оллоҳ таоло розилиги учун хуфтон намозининг 4 ракат фарзини ўқишга ният қилдим”, деб ният қилинади ва пешин билан аср намозларининг фарзи каби ўқилади.

Хуфтон намозининг суннати 2 ракат. “Оллоҳ таоло розилиги учун хуфтон намозининг 2 ракат суннатини ўқишга ният қилдим”, деб бомдод ва пешин намозларининг 2 ракат суннати каби ўқилади.



ВИТР НАМОЗИ

Витр намози 3 ракатдир.

Витр учун ният қилгач, худди бомдод намозида ўқилгандек икки ракат ўқилади. Иккинчи ракат охирида ўтирилганида “Аттаҳийят” ўқилади. Кейин “Оллоҳу акбар” деб учинчи ракатга турилади. Учинчи ракатда “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим”ни айтгандан сўнг Фотиҳа сураси ва биронта кичик сура ёки бошқа катта суралардан уч оят қўшиб ўқилади. Кейин “Оллоҳу акбар” деб икки кафтни очиб қиблага қаратган ҳолда қулоқ баробар кўтарилади. Такбирдан сўнг эса икки қўлини қайтадан боғлаб киндик остига қўяди ва маъсур бўлган қунут дуосини ичида ўқийди (Қунут дуоси китоб охирида келтирилган).

Қунут дуосини ўқиб бўлгандан кейин рукуъ ва саждаларни бажариб, намозга одатдагидек яқун ясалади.

Қунут дуосини билмаганлар уч марта китоб охирида келтирилган “Роббанағфирли” дуосини ўқиса ҳам бўлади.

Витр намозини ўқиш тартиби:

Биринчи ракат	Иккинчи ракат	Биринчи ўтириш
Ният	Бисмиллаҳ	Аттаҳийят
Такбир	Фотиҳа сураси	
Субҳанака	Битта қисқа сура	
Аъзуз-Бисмиллаҳ	Рукуъ	
Фотиҳа сураси	Сажда	
Битта қисқа сура		
Рукуъ		
Сажда		

Учинчи ракат	Такбир	Қадаи охир
Бисмиллаҳ	Такбир	Аттаҳийят
Фотиҳа сураси	Қунут дуоси	Оллоҳумма солли
Битта қисқа сура	Рукуъ	Оллоҳумма барик
	Сажда	Роббана
		Салом



НАМОЗНИ БУЗУВЧИ АМАЛЛАР

1. Товуш чиқариб йиғланса, намоз бузилади, лекин йиғлаш охират ташвиши билан бўлса, зарари йўқ.
2. Узрсиз йўталса.
3. Узрсиз уфласа.
4. Гапга гарчи зикр билан бўлса ҳам жавоб қайтарса, намоз ботил бўлади.
5. Намоз ўқиётган чоғида маҳсига тортган масҳ муддати ўтиб кетса.
6. Ит ёки мушукни ҳайдаш мақсадида гапирса.
7. Ёмғир ёки қор сувини ютиб юборса.
8. Қуръонни бузиб ўқиса.

9. Битта намозда эркак киши билан аёл киши сафда ёнма-ён туриб қолса, аёлнинг намози бузилади.

10. Кетма-кет бир рукнда намозга тегишли бўлмаган бир ҳаракатни уч маротаба такрорласа. Умуман, намозга тегишли бўлмаган амални кўпайтириб юборса.

11. Авратнинг очилиши ёки кийимга нажосат тегиши.

12. Иккала оёқ бир пайтнинг ўзида ердан узилиши.

13. Аёлларда ҳайз бошланиб қолиши.

14. Бомдод намозини ўқиётганида қуёш чиқиб кетса.

15. Намозга тегишли бўлмаган сўз гапирса.

16. Намозда туриб озми-кўпми сув ичса ёки овқат еса.

17. Қаҳқаҳа билан кулса. «Қаҳқаҳа» деб ёнидаги одам эшитадиган даражадаги кулгига айтилади. Намозда бундай кулги билан кулинса, намозга қўшилиб таҳорат ҳам бузилади.

18. Қибладан бошқа томонга юзланган бўлса.

19. Фарз амали тарк этилса.

САЖДАИ САҲВ

Агар намозхон намоз рукнларидан бирон рукнни эсдан чиқариб кечиктирса ёки хатога йул қўйса, саждаи саҳв қилади.

Саждаи саҳв уч ҳолатда вожиб бўлади:

1. Фарз амалининг хато бажарилиши, кечиктирилиши.

2. Вожиб амални тарк қилиш.

3. Вожиб амални хато бажариш.

Намозхон охириги ўтиришда “Аттаҳийят”ни «...ва росулуҳ»гача ўқийди-да, имомлик қилаётган бўлса, фақат ўнг томонига, ўзи якка ўқиётган бўлса, икки томонга салом беради ва худди намоздаги каби икки марта сажда қилади. Кейин яна “Аттаҳийят”ни қайтариб ўқийди. Кетидан “Оллоҳумма солли”, “Оллоҳума барик” ва “Роббана” дуоларини ўқиб, одатдагидек ўнг ва чап елкасига қараб намоздан чиқиш учун салом беради.

Шу билан нуқсон етган намози ўрнига келиб, комил бўлади.

БОМДОД ВА ШОМ НАМОЗЛАРИДАН КЕЙИН ЎҚИЛИШИ ФАЗИЛАТЛИ БЎЛГАН ҲАШР СУРАСИНING ОХИРГИ УЧ ОЯТИ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

هُوَ اللّٰهُ الَّذِیْ لَا اِلٰهَ اِلَّا

هُوَ عَالَمُ الْغَیْبِ وَالشَّهَادَةِ هُوَ الرَّحْمٰنُ الرَّحِیْمُ {۲۲}

هُوَ اللّٰهُ الَّذِیْ لَا اِلٰهَ اِلَّا هُوَ الْمَلِكُ الْقُدُّوسُ السَّلَامُ الْمُؤْمِنُ

الْمُهَيْمِنُ الْعَزِیْزُ الْجَبَّارُ الْمُتَكَبِّرُ سُبْحَانَ اللّٰهِ عَمَّا يُشْرِكُوْنَ {۲۳}

هُوَ اللّٰهُ الْخَالِقُ الْبَارِئُ الْمُصَوِّرُ لَهُ الْاَسْمَاءُ الْحُسْنٰی

يُسَبِّحُ لَهُ مَا فِي السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضِ وَهُوَ

الْعَزِیْزُ الْحَكِیْمُ {۲۴}

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Ҳуваллоҳуллази ла илаҳа илла ҳу. ‘Валимул ғойби ваш шаҳадати ҳувар Роҳманур Роҳим. Ҳуваллоҳуллази ла илаҳа илла ҳу. Ал-Маликул Қуддус Саламул Муъминул Муҳайминул ЁАзизул Жаббарул Мутакаббир. Субҳаноллоҳи ъамма йушрикун. Ҳуваллоҳул Холикул Бари’ул Мусавиру лаҳул Асма’ул Ҳусна. Йусаббиҳу лаҳу ма фис самавати вал ард ва ҳува Ал-Ёзизул Ҳаким.

* * *



ХУФТОН НАМОЗИДАН КЕЙИН ҲҚИЛИШИ ФАЗИЛАТЛИ БЎЛГАН БАҚАРА СУРАСИНИНГ ОХИРГИ ИККИ ОЯТИ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

آمَنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ
مِن رَّبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ آمَنَ بِاللّٰهِ وَمَلَائِكَتِهِ
وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ لَا نَفَرَقَ بَيْنَ أَحَدٍ مِّن رُّسُلِهِ وَقَالُوا سَمِعْنَا
وَأَطَعْنَا غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ {٢٨٥} لَا يُكَلِّفُ اللّٰهُ نَفْسًا
الَّ أُوسَعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِن
نَسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إَصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى
الَّذِينَ مِن قَبْلِنَا رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ وَاعْفُ
عَنَّا وَاعْفِرْ لَنَا وَارْحَمْنَا إِنَّتَ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلَى
الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ {٢٨٦}

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Аманар росулу бима унзила илайҳи мир Роббиҳи вал-муъминун. Куллун амана биллаҳи ва мала'икатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳ. Ла нуфарриқу байна аҳадим мир русулиҳ. Ва қолу самиъна ва атоъна ғуфронака Роббана ва илайкал масиир. Ла йукаллифуллоҳу нафсан илла вусъаҳа, лаҳа ма касабат ва ғалайҳа мактасабат. Роббана ла ту'ахизна ин насина ав ахто'на. Роббана ва ла таҳмил ғалайна исрон кама ҳамалтаҳу ғалалллазина мин қоблина. Роббана ва ла туҳаммилна ма ла тоқота ланаа биҳ, ваъфу анна, вағфирлана, варҳамна анта Мавлана, фансурна ғалал қовмил кафирин.



Жамоат намозининг фазилатлари

Жамоат билан ўқилган намоз ёлғиз ўқилган намоздан 25 (йигирма беш) баробар, баъзи ривоятларга кўра эса 27 (йигирма етти) баробар қадрлироқдир. Шунинг учун ҳамма мусулмон мачитга жамоатга интилгани яхшидир. Бирон сабаб билан мачит жамоатига етиша олмаса, икки киши ёки ундан ортиқ бўлган намозхон уйида ё бошқа жойда кичик жамоат қилиб ўқиб олгани яхши. Мачитга кирса, асосий катта жамоатдан бошқа жамоат қилмайди, ҳар ким ўзи алоҳида ўқиб олади.

КУНДАЛИК БЎЛМАГАН НАМОЗЛАР

Жума намози. Ҳар жума куни пешин намози ўрнига ўқилади. Жами 10 (ўн) ракатдир. Пешин намозининг 4 ракат фарзи ўрнига 2 ракат фарз жамоат билан ўқилади. Намоз вақти кириши билан 4 ракат суннат ўқилади, хутбадан кейин эса жамоат билан 2 ракат фарз ўқилади. Ундан кейин яна 4 ракат суннат ўқилади.

Жума намози кимларга фарз?

1. Эркакларга (Аёлларга фарз эмас).
2. Озод бўлган шахсларга.
3. Муқимларга.
4. Соғломларга.
5. Кўзи ожиз бўлмаган шахсларга.
6. Жума намозини адо этиши учун ҳеч бир тўсқинликка дуч келмаган шахсларга.

Жума намозини адо этиш шартлари:

Жума намози тўқис бўлиши учун қуйидаги шартлар лозим:

1. Жума намозини пешин намози вақтида адо этиш.
2. Намоздан олдин хутба ўқиш.
3. Жума намози ўқиладиган жой барча хоҳловчилар учун очиқ бўлиши.
4. Имомдан ташқари энг камида янауч киши иштирок этиши. Имом Абу Юсуф фикрига кўра, икки киши ҳам етади.



Байрам намозлари

Жума намози фарз бўлган эркаклар учун йилда икки марта байрам намозини ўқиш вожибдир.

Байрам намози икки ракатдан иборат бўлиб, жамоат билан ўқилади. Байрам намозини қуёш чиқиб ердан тахминан бир найза баробарида кўтарилганидан (қуёш чиққач 20 дақиқача) кейин ўқилади. Намоз вақти киргач, жамоат саф тортиб имомга иқтидо қилган ҳолда ўқилади. Намозни бошлаш олдидан “Вожиб бўлган байрам (қайси байрам эканини айтиб) намозини имомга иқтидо қилиб ўқишга ният қилдим”, дейиши лозим.

Мусофир намози

Ўз уйидан сафар ниятида чиқиб, доимий яшаб турган жойидан 90 километрга (ёки 18 соатда пиёда босиб ўтиладиган масофага) узоқлашган шахс мусофир ҳисобланади. Борилган ерда ўн беш кундан кам муддат қолинса, йўлда ҳам, қолинган жойда ҳам (бордию бирон муқим кишига эргашиб ўқилмаса) тўрт ракатлик фарз намозларини икки ракатга қисқартириб, худди бомдод намозининг фарзи каби ўқилади. Бироқ уч ракатлик шом намози ва витр вожиб намозлари қисқартирилмай тўлиқ ўқилади. Имконият бўлса, суннат намозларини ўқиш афзалдир.



ЖАННАТ ЭШИКЛАРИ

Калимаи тавҳид ва калимаи шаҳодат



Муслмон бўлиш учун нима қилиш керак?

Калимаи тавҳид ва калимаи шаҳодатни тили билан айтиб кўнгли билан тасдиқлаган киши муслмон бўлади.

Исломнинг асоси нима?

Исломнинг асоси калимаи тавҳиддир.

КАЛИМАИ ТАВХИД

“Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур росулulloҳ”

Маъноси: “Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад (сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам) Оллоҳнинг элчисидир”.

Оллоҳни «илоҳ» деб бўлмайди: Оллоҳнинг исми билан бирор бир шахс ёки бирор бир нарсани аташ жоиз эмас. Оллоҳдан ўзгага ибодат ҳам қилинмайди. Шу билан бир қаторда, Оллоҳнинг гўзал исмини “илоҳ” деб таржима қилиш мумкин эмас.

Ла илаҳа...: Оллоҳдан ўзгани илоҳ деб қабул қилмасликка сўз бераман ва қалбимни бундай ҳаракатлардан поклайман.



Тўрида бошқа бир илоҳ учун ўрин бўлмаган қалбим ёлғиз Оллоҳни ёд этишга тайёрдир. Соғлом бўлмаган қалбда имон асло жой топмас, ахир ботқоқ устида уй қурилмас.

...иллаллоҳ: барча ботил илоҳларни инкор этиб, ёлғиз Оллоҳни қабул қиламан.

Муҳаммадур росулulloҳ: ҳар қандай бидъатдан воз кечишга сўз бераман. Қуръони карим ва Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллалoҳу алайҳи ва саллам) суннатларига кўра Раббимга итоатда бўламан.

КАЛИМАИ ШАҲОДАТ

“Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росулуҳ”.

Маъноси: “Гувоҳлик бераман: Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва гувоҳлик бераман: Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Унинг қули ва элчисидир”.

Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ: Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигини ва барча куч-қудрат соҳиби ёлғиз Оллоҳ эканини тан оламан ва бунга асло шубҳа қилмайман.

...ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росулуҳ: ва Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Унинг қули ва элчиси эканига шубҳасиз иқрорман ва итоат этаман.

ОЛЛОҲГА ИМОН

ҲИКОЯ Оллоҳ бизни кўриб тургувчидир

Солиҳ бобосидан сўради:

- Бобо, нима учун биз Оллоҳни кўрмаймиз?

Бобоси жавоб берди:

- Кўзларимиз шундай яратилганки, биз Оллоҳни кўра олмаймиз
- Нима сабабдан, бобо?
- Фотокамера ҳар нарсани суратга ола оладими?
- Ҳа.
- У билан юрак ва ўпкангни суратга олишга қодирмисан?
- Йўқ, буни фақат рентген мосламаси қила олади.
- Кўрдингми, иккала ускуна ҳам суратга олишга мўлжалланган, лекин бири қилганини иккинчиси қила олмайди. Чунки улар бошқа-бошқа тузилишда яратилган. Шунга ўхшаб, бу кўзларимиз ҳам Оллоҳни кўришга мўлжалланмаган.
- Оллоҳ эса бизни кўриб турадими?
- Албатта, Оллоҳ бизни ҳатто тунда қоронғу хонага кириб, қоп-қора кийим кийиб олган тақдиримизда ҳам кўриб туради.

ОЛЛОҲНИНГ СИФАТЛАРИ

А. Зотий сифатлар.

Б. Субутий сифатлар.

А. Зотий сифатлари қуйидагилардир:

1. «Ал-Вужуд» (Бордир).
2. «Ал-Қадим» (Бошланғичи йўқ).
3. «Ал-Боқий» (Охири йўқ).
4. «Ал-Ваҳдоният (Бирдир).
5. «Ал-Мухолафатун лил-ҳаводис» (Ҳеч бир яратикқа ўхшамайди).
6. «Ал-Қиём би нафсиҳи» (Макондан пок).

Б. Субутий сифатлари қуйидагилардир:

1. «Ал-Ҳайй» (Тирикдир).
2. «Ал-Илм» (Билгувчидир).
3. «Ас-Самиъ» (Эшитгувчидир).
4. «Ал-Басир» (Кўргувчидир).
5. «Ал-Ирода» (Хоҳлаган ишини қилгувчидир).
6. «Ал-Қудрат» (Ҳар нарсага кучи етгувчи).
7. «Ал-Калом» (Сўзлагувчи).
8. «Ал-Таквин» (Борлиқ нарсани яратгувчи).



ОЛЛОҲ СИФАТЛАРИ ҲАҚИДА САВОЛЛАР

- Сени ким яратди? **Оллоҳ.**
Сени ким кўриб туради? **Оллоҳ.**
Сени ким эшитади? **Оллоҳ.**
Ким барча нарсани билади? **Оллоҳ.**
Ким ҳамманинг ризқини беради? **Оллоҳ.**
Ким ҳар нарсага қодир? **Оллоҳ.**
Кимнинг иродаси ҳар ерда? **Оллоҳнинг.**
Кимнинг бошланғичи йўқ? **Оллоҳнинг.**
Кимнинг охири йўқ? **Оллоҳнинг.**
Кимнинг тенги йўқ? **Оллоҳнинг.**
Кимнинг ўхшаши йўқ? **Оллоҳнинг.**
Ким ҳеч кимга муҳтож эмас? **Оллоҳ.**
Ким боқий? **Оллоҳ.**
Кимнинг куч-қудрати чексиз? **Оллоҳ.**
Ким туғмаган ва туғилмаган? **Оллоҳ.**
Ким бизни асрайди? **Оллоҳ.**
Ким бизни кечиради? **Оллоҳ.**
Ким бизга ҳаёт ато этади? **Оллоҳ.**
Раббинг ким? **Оллоҳ.**
Ким энг буюк? **Оллоҳ.**
Ким энг Гўзал? **Оллоҳ.**
Ким биз учун энг суюкли? **Оллоҳ.**
Кимдан ёрдам сўраймиз? **Оллоҳдан.**
Бизни қўрқув босган пайтда кимга мурожаат қиламиз?

Оллоҳга.

- Бизга таом ва ичимликларни ким беради? **Оллоҳ.**
Бизни ким хавф-хатардан асрайди? **Оллоҳ.**

Бутун борлиқни Оллоҳ яратган

- Бу оламни ким яратди? **Оллоҳ.**
Юлдузларни ким яратди? **Оллоҳ.**
Ойни ким яратди? **Оллоҳ.**
Қуёшни ким яратди? **Оллоҳ.**
Ер, осмон ва ҳавони ким яратди? **Оллоҳ.**
Ким юлдузларни осмонда ушлаб туради? **Оллоҳ.**



Ёмғирни ким ёғдиради? Оллоҳ.
 Инсонни ким йўқдан бор қилди? Оллоҳ.
 Мени ким яратди? Оллоҳ.
 Отам ва онамни ким яратди? Оллоҳ.
 Ҳайвонларни ким яратди? Оллоҳ.
 Ўсимликларни ким яратди? Оллоҳ.
 Ким тоғларни яратди? Оллоҳ.
 Ким мева ва сабзавотларни яратди? Оллоҳ.
 Ким ризқни етказди? Оллоҳ.
 Ким бир илдиздан турли гуллар чиқаради? Оллоҳ.
 Ҳар бир тирик нарсага ким ҳаёт беради? Оллоҳ.
 Ҳаётни ким тўхтатади? Оллоҳ.
 Ким ўлик ердан ўсимликлар чиқаради? Оллоҳ.
 Ким борлиқни яратган? Оллоҳ.
 Барча мулклар эгаси ким? Оллоҳ.

Оллоҳ таоло олдида бизнинг бурч ва вазифаларимиз:

1. Ёлғиз Оллоҳга ишониш ва унга ширк келтирмаслик.
2. Бутун вужудимиз билан Оллоҳни севиши.
3. Ундангина гуноҳлардан паноҳ сўраш.
4. Фақат Унга таваккал қилиб, фақат Ундан ёрдам сўраш.
5. Доим ёлғиз Оллоҳга ибодат қилиш.
6. Берган неъматлари учун Унга шукр қилиш.
7. Оллоҳ севган нарсаларни севиб, ёмон кўрганларидан узоқлашиш.
8. Буйруқларини бажариб, қайтарган ишларидан қочиш.

ҲИКОЯ: Оллоҳ таолони тан олмаган мутакаббир ва Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг унга берган жавоблари

Бир вақтлар Боғдодга бир динсиз файласуф келди. У ҳамма нарса табиатдан дер эди ва ўзининг динсизлик ва бузуқлик ғоясини Боғдодга ёймоқчи бўлди. Ислом олимларини ҳам мунозараларга даъват этди.

Ўша замонда халифа бўлган Мансур бундан хабар топди. У ўша динсизни саройга таклиф қилди ва масалани ундан сўради. Унга жавобан динсиз:

— Эй мўминлар амири! Сенинг салтанатингдаги олимлар билан бахслашишни истайман. Улар бу оламини бир Оллоҳ яратган, дейишади. Мен эса олам ўзи абадий бор бўлган дейман. Олимларинг билан бахсда буни исбот қиламан, — деди.

Халифа дарҳол Имом Аъзам ҳазратларига:

— Бир динсиз (Оллоҳни инкор этувчи) файласуф келди. Сизни мунозарага чорляпти. Тез етиб келинг, — деб хабар йўллади. Имом Аъзам:

— Пешиндан сўнг бораман, — деб жавоб қилди.

Айтилган вақтдан бир соат ўтди ҳам, Имом Аъзамдан дарак бўлавермади. Шунда зиндиқ файласуф бутун сарой аҳлига шикоятмуз қараб:

— Сўз бериб келмади, қўрқанидан келмади, — деди.

Халифа ва сарой аҳли Имом Аъзамни кутиб ҳаяжонлана бошлашди. Шу пайт Имом келди.

Халифа Мансур Имом Аъзамни буюк ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олди. Мажлиснинг энг тўрига - олий ўринга ўтқазди.

Динсиз файласуф:

— Бу имом билан мунозара қилмайман, чунки у бизни бир соат куттириб қўйди, сўзида турмади, — деди ва сўзида давом этиб, Ҳазрат Имомнинг ахлоқини ёмонлай бошлади.

Унга жавобан Имом Аъзам:

— Шошилма, эй рақиб, олдин нега кечикканимни сўра, кейин шунга қараб гапир, — деди.

Динсиз мункир киши Имом Аъзамдан:

— Хўп, нимага кеч қолдинг? — деб сўради.

Имом Аъзам унга жавобан бундай деди:

— Кеч қолишимга сабаб бир ғаройиб ҳодиса бўлди. Биласизлар, мен Дажла дарёси бўйида яшайман. Дарё қирғоғига келиб қайиққа ўтирмоқчи эдим, қаттиқ бўрон туриб қайиқни парча-парча қилиб ташлади. Тахталарни савағичдан учган момикдай ҳар томонга учириб юборди. Уша ерда туриб

қолдим. Дарёдан ўтишга бошқа бир чора йўқ эди. Шунда бир тўлқин турдию бўлиниб-сочишиб кетган қайиқ тахталарини бир ерга тўплади. Яна қайиқ бўлиб бирикди ҳаммаси. Мен унга ўтириб дарёдан ўтиб келдим, — деди.

Файласуф чин юрагидан севиниб кетди. Ҳозир имомнинг ёлғонини исботлайман, деб ўрнидан туриб кетди ва:

— Муҳтарам аҳли мажлис! Қаранглар сизларнинг бу имомларингиз нималар деяпти! Парчаланиб кетган қайиқ тахталарини шамол ва тўлқин бир ерга тўплаган эмиш-да, улар ўзидан-ўзи қайиқ бўлиб бирлашибди ва имом ўша қайиқда дарёдан ўтиб олибди! Бу гапни қайси ақл, қайси мантиқ қабул қилади, айтинглари?! — деди ўзича ғолибона керилиб.

Шунда Имом Аъзам:

— Эй нодон рақиб, сен икки тахта ўзидан-ўзи бир ерга келмайди деб айтасан-у, бу тиргаксиз осмон ва бу муаззам коинот ўзидан-ўзи бор бўлиб қолган деб ишонасан! Сенинг ақлинг, сенинг мантиғинг шуми?! — деди.

Табиатчи-зиндиқ бир сўз дея олмай қолди. Халифа уни жазолади.

ФАРИШТАЛАРГА ИМОН

Фаришталарнинг хусусиятлари:

а) фаришталарни Оллоҳ нурдан яратган; уларда эркак-урғочилик, еб-ичиш, ухлаш, чарчаш, ҳордиқ чиқариш каби сифат, эҳтиёжлар йўқ; улар гуноҳ ишлар қилишдан покдир;

б) фаришталарни кўз билан кўриб бўлмайди

в) фаришталар ғайбни билмайди, фақат Оллоҳ билдирган нарсаларнигина билади.

Фаришталарнинг энг улуғ вазифалари:

а) Оллоҳ таолони улуғлаш;

б) Оллоҳ таоло амрларига итоат қилиш.

Тўрт улуғ фаришта ва уларнинг вазифалари:

1. Жаброил (алайҳиссалом) фаришталарнинг энг улуғи. Оллоҳ таолодан пайғамбарларга ваҳий келтирган фариштадир.

2. Микоил (алайҳиссалом) раҳматга, ризққа маъмур (вазифали) бўлган фариштадир.

3. Исрофил (алайҳиссалом) бу ўткинчи олам охирлаб, қиёмат келганида сур чаладилар.

4. Ўлим фариштаси (алайҳиссалом) (урфда хатоан «Азроил» дейишади) жонларни олишга вазифаланган фаришта.

Булар улуғ фаришталардир. Оллоҳ таоло булар орқали бошқа фаришталарга амрини етказди.

Бошқа фаришталар ва уларнинг хос вазифалари:

Кироман котибин: Ҳар қайсимизнинг ўнг ва чап елкамизда ҳар бир иш ва сўзимизни ёзиб борувчи фаришталар «кироман котибин» деб аталишади. Улар доим бизга йўлдошдир. Ўнг елкамиздаги фаришта яхши амалларимизни ёзиб боради, чап елкамиздаги фаришта эса гуноҳ ишларимизни ёзиб боради. Охират куни ушбу ёзувлар ҳисоб-китоб пайтида бизга тақдим этилади.

Мункар ва Накир: Қабрда бизни сўроқ-савол қиладиган икки фаришта.

ҲИКОЯ: Ўлим фариштаси (алайҳиссалом) қандай қилиб бир пайтнинг ўзида минглаб инсонларнинг жонини олади?

Азиз болажонлар! Буни ҳамма билиши шарт.

Келинг, жонимизни ёниб турган бир электр лампаси деб тасаввур қиламиз. Ўлим эса ушбу лампани сўндиради. Уйимизга ўтказилган барча электр симлари битта электр манбаига уланган. Шаҳарнинг бир қисмида электр қувватини ўчириш тўғрисида буйруқ бўлса, нима бўлади? Ишчи ушбу буйруқни бажарган заҳоти минглаб хонадонларда чироқ ўчади.



Бизнинг жонларимиз ҳам, агар ўхшатиш жоиз бўлса, кўринмас «симлар» ёрдамида Улим фариштасининг (алайҳиссалом) тасарруфида бўлган бир босиш тугмачасига улангандир. Унинг битта ҳаракати билан минглаб жонлар ўз танасини тарк этади.

Албатта, ҳар қандай ўхшатиш камчиликдир, яна ҳам тўғриси Оллоҳ билади.

Шунингдек, Ўлим фариштасига (алайҳиссалом) милёнлаб бошқа фаришталар бўйсундирилган. Юз минглаб тирик жонзотнинг жонини бир пайтда олиш шунинг учун ҳам ҳеч қийинчилик туғдирмайди.

Қолаверса, асло унутмайлик: бир «Бўл!» амри билан бутун борлиқни яратган Оллоҳ одамларнинг жонини олиш вазифаси билан вазифаланган фариштасига бир пайтнинг ўзида барча ажали етган инсоннинг жонини олиш қобилиятини бера олмайдими?!

КИТОБЛАРГА ИМОН

Муқаддас китоблар - Оллоҳ таоло пайғамбарларга (алайҳимуссалом) туширган ваҳийдир.

Ваҳий - Оллоҳ таоло Жаброил (алайҳиссалом) орқали пайғамбарларга туширган хабар ва билимлар.

Бир неча бетдан иборат бўлган муқаддас китоблар «сухуф» (саҳифалар) деб аталади. Саҳифалар ушбу пайғамбарларга нозил қилинган:

1. Ҳазрати Одамга (алайҳиссалом) – 10 (ўн) саҳифа.
2. Ҳазрати Шисга (алайҳиссалом) – 50 (эллик) саҳифа.
3. Ҳазрати Идрисга (алайҳиссалом) – 30 (ўттиз) саҳифа.
4. Ҳазрати Иброҳимга (алайҳиссалом) – 10 (ўн) саҳифа.

Ушбу саҳифаларнинг ҳеч бири кунимизгача етиб келмаган.

Муқаддас китоблар тўрттадир:

1. Таврот. Ҳазрати Мусо (алайҳиссалом) нозил қилинган. Бироқ қавми кейинчалик бу Китобни ўзгартиришлар киритиб бузган.

2. Забур. Ҳазрати Довудга (алайҳиссалом) нозил қилинган. Бироқ қавми кейинчалик бу Китобга ҳам ўзгартиришлар киритиб юборган

3. Инжил. Ҳазрати Исога (алайҳиссалом) нозил қилинган. Бироқ қавми кейинчалик бу Китобни ўзгартиришлар киритиб бузган.

4. Қуръони Карим. Ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нозил қилган. Ушбу Китоб Оллоҳ таолонинг бутун инсониятга йўллаган охирги Китоби бўлгани учун ҳам уни то қиёматгача ҳеч бир ўзгаришсиз-бузилишсиз сақлашни Ўз зиммасига олган. Яъни, илоҳий Китоблар ичида фақатгина Қуръони карим туширилган ҳолида - ҳеч бир ўзгаришсиз кунимизгача етиб келган.

Ҳозирги кунда кўплаб жоҳил инсонлар Қуръони карим фақатгина қабристонларда марҳумлар руҳи учун ёки касални даволаш учун ўқилади деб ўйлайди. Қуръони карим ҳаётимизга тегишли ҳар бир соҳани қамраб олган. Ҳар бир мусулмон бешиқдан то қабргача ҳар бир қадамини Қуръони каримга кўра босиши, ҳаётини бир Низоми, амал дастури қилиб олиши шарт.

Қуръони карим 23 (йигирма уч) йил давомида кетма-кет туширилган бўлиб, 114 (бир юз ўн тўрт) сура 6236 (олти минг икки юз ўттиз олти) оятдан иборатдир.

ПАЙҒАМБАРЛАРГА ИМОН

Пайғамбарлар танланган инсонлардир. Оллоҳ таоло булар орқали бизга билимлар етказган.

Пайғамбарлар қуйидаги сифатларга эга бўлиши шарт:

1. Сиддиқ - аъло даражада тўғрисиўз.

2. Амин - ҳартомонлама ишончли.



3. Таблиғ - Оллоҳ таолонинг буйруқ ва қайтириқларини тўлиғича инсонларга етказадиган.

4. Фатонат - пайғамбарлар жуда ҳам ақлли ва жуда ҳам фаҳмли, зийрак инсонлардир.

5. Исмат - пайғамбарлар гуноҳларга асло қўл урмаслар.

Пайғамбарларнинг умумий сони

Илк пайғамбар Ҳазрати Одам (алайҳиссалом), охириги пайғамбар эса Муҳаммад Мустафодирлар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам).

Ҳазрати Одамдан (алайҳиссалом) Ҳазрати Муҳаммадгача (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўплаб пайғамбарлар ўтган.

Ўртада келган барча пайғамбар ҳам ёлғиз Оллоҳга қуллик қилишга ва сиғинишга чақирган. Лекин улар оламдан ўтиб кетганидан сўнг одамлар яна Оллоҳ таолони унутгани сабабли кеталридан бошқа пайғамбарлар юбориб турилган. То Ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келгунларича шундай бўлган.

Булар ичида номларини биз билмайдиган қанчадан-қанча пайғамбар бор ва номларини Оллоҳ таоло Қуръони каримда билдирган пайғамбарлар бор.

Қуръони каримда номи келган пайғамбарлар сони йи- гирма бештадир:

Одам (алайҳиссалом)	Иброҳим (алайҳиссалом)	Мусо (алайҳиссалом)	Юнус (алайҳиссалом)
Идрис (алайҳиссалом)	Исмоил (алайҳиссалом)	Ҳорун (алайҳиссалом)	Илёс (алайҳиссалом)
Нуҳ (алайҳиссалом)	Исҳоқ (алайҳиссалом)	Довуд (алайҳиссалом)	Алйаса' (алайҳиссалом)

Худ (алайҳиссалом)	Ёқуб (алайҳиссалом)	Сулаймон (алайҳиссалом)	Закариё (алайҳиссалом)
Солиҳ (алайҳиссалом)	Юсуф (алайҳиссалом)	Айюб (алайҳиссалом)	Яҳё (алайҳиссалом)
Лут (алайҳиссалом)	Шуъайб (алайҳиссалом)	Зулкифл (алайҳиссалом)	Исо (алайҳиссалом)
Пайғабаримиз Муҳаммад (соллаллаҳу алайҳи ва саллам)			

Мўъжиза - ғайритабий ҳодисадир. Оллоҳ таолонинг изни ва қудрати билан пайғамбарлар пайғамбарликларига далил сифатида мўъжизалар кўрсатишган. Оллоҳ таолонинг ёрдамисиз инсонлар ҳеч қандай мўъжиза кўрсатиш қобилиятига эга эмас.

ОХИРАТ КУНИГА ИМОН

Охират кунига имон деганда Исрофил (алайҳиссалом) сур чалганидан кейин барча тирик жонзотлар ўлишига ишониш тушунилади. Ушбу воқеадан кейин одамлар тирилиб, жаннатга лойиқлари жаннатга, дўзахга лойиқлари эса дўзахга кирадиган пайтгача ўтадиган вақтга «Охират куни» дейилади.

Бошқа фикрларга кўра, инсон фоний дунёда қилган амаллари жавоби учун тирилганидан кейинги абадий ҳаёт «Охират куни» деб аталади.

Хуллас, ушбу вақтнинг номи кўп, улар орасида энг машҳури Охири замон (Замоннинг тугаши)дир.

Қабр ҳаёти: Инсон ўлганидан кейин тирилгунича ўтадиган вақт «қабр ҳаёти» деб аталади.

Одам ўлгач қабрга қўйилганидан сўнг икки фаришта пайдо бўлиб сўроқ-саволни бошлашади:

Раббинг ким?

Пайғамбаринг ким?

Дининг нима?

Шу ва бошқа саволларга ҳар бир инсон жавоб беради. Хатто танаси кул бўлиб ёниб ўлган бўлса ҳам. Қабрдаги ҳаёт Охират кунининг бир бўлагидир. Жаннатга лойиқ кўрилган банда қабрида ҳам роҳат-фароғатда бўлади. Дўзахга маҳкум қилинган кимсалар эса тинимсиз азобларга дучор бўлади.

Қабрдаги ҳаётнинг ўткинчи дунёдаги ҳаёт билан ўхшаш томонлари йўқ. Инсоннинг қабрдаги ҳолати қайсидир томондан тушдаги ҳолатга ўхшаб кетади.

Жаннат: мусулмонлар учун тайёрланган мукофотдир. Қуръони карим оятларидан бирида Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло **“У ерда нима хоҳласалар, уларникидир. Ва ҳузуримизда зиёдаси бор...”** дейди (Қоф сураси 35-оят).

Дўзах (Жаҳаннам): Оллоҳ таоло осий бандалари учун тайёрлаган жазоси. Дўзах аҳли кофир, мушрик, мунофиқлардан ҳамда ёмон амали яхши амалидан кўп бўлган, шафоатдан насибасиз қолган мусулмонлардан ташкил топади. Лекин гуноҳкор мусулмонлар гуноҳлари миқёсида жазоларини олгандан кейин дўзахни тарк этишади. Кофир, мушрик ва мунофиқлар эса у ерда абадий қолади.

Маҳшар: Исрофил (алайҳиссалом) биринчи бор сур чалганидан кейин ер юзидаги барча тирик жонзот ҳалок бўлади. Маълум муддат ўтганидан кейин Оллоҳ таоло Исрофилни (алайҳиссалом) тирилтиради. Сўнг Исрофил (алайҳиссалом) иккинчи бор сур чалади ва барча одамлар тирилиб ҳисоб-китоб учун Маҳшар майдонида тўпланади. («Маҳшар» сўзи «ҳашр» (тўплаш) сўзидан ҳосил бўлган бўлиб, «қиёматда ўликларни қайта тирилтириб тўплайдиган ер» маъносини беради.)

Номаи аъмол: Маҳшар майдонида бандаларга дунёдаги ҳаёт давомида бажарган амаллари ёзилган дафтар (Номаи аъмол) берилади. Бўлажак жаннат соҳиблари дафтарларини ўнг томондан, дўзах аҳллари эса чап томондан олади.

Ҳисоб: Оллоҳ таоло бир пайтнинг ўзида барча одамларга дунёдаги ҳаётлари ҳақида ҳисобот бериш буйруғини беради. Ҳар ким фақат ўз қилмиши учун жавоб беради. Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таъкидлаганларидек, ҳар бир инсон қуйидаги саволларга жавоб беради:

1. Ҳаётингни нимага бағишладинг?

2. Сенга берилган илмни нималарга сарфладинг?

2. Мол-дунёни қайси йўл билан топдинг ва қандай сарфладинг? Яъни, ҳалол йўл билан топдингми ёки ҳаром йўл биланми?

4. Танангдан қай тарзда фойдаландинг? Тананг сенга Оллоҳга яқинлаштирадиган йўлда ҳамроҳ бўлдимми ёки ҳаром йўлда ҳамроҳ бўлдимми?

Ҳар бир банда ушбу саволларга тўлиқ жавоб беради.

Тарози-мезон: Тарози-мезонда инсоннинг яхши ва ёмон амаллари ўлчанади. Ўлчашда асло адолатсизликка йўл қўйилмайди. Ҳар бир амал ўлчанади - хоҳ яхши амал бўлсин, хоҳ ёмон амал бўлсин. Кейин ҳар бир яхши амали ўнга кўпайтирилади, ёмон амали битталигича қолдирилади.

Сирот кўприги: Сирот кўпригидан ҳамма ўтади. Ушбу кўприк дўзах устидан ўтган бўлиб, кўприк мўмин-муслмонлар жаннатга элтади. Кофир, мунофиқ ва мушриклар эса дўзахга қулаб тушишади. Инсон ҳаёти давомида яхши амалларни қанча кўп қилган бўлса, кўприқдан ўтиши шунча осон бўлади.

Итоат учун келдик, ҳисоб учун йўл оламиз

Бу дунёда мусофирмиз, тирилиш учун ўламиз...

ҲИКОЯ: Қайта тирилган тўрт қуш

Ҳазрати Иброҳим (алайҳиссалом) Оллоҳ таоло тирилтириб ўлдиришига чин дилдан ишонардилар. Лекин бир куни:

«Эй Раббим, менга ўликларни қандай тирилтиришингни кўрсат», дедилар.

Шунда Оллоҳ таоло: «Ишонмадингми?» деди.

Иброҳим (алайҳиссалом):

«Ишонаман, лекин қалбим хотиржам бўлиши учун», дедилар.

Оллоҳ таоло Ҳазрати Иброҳимга (алайҳиссалом) тўртта қуш олишни ва уларни майдалаб ташлашни буюрди. Ва яна:

«У қушларни ўзинга торт», деди.

Яъни, уларга яқиндан қараб, яхшилаб кўриб, таниб олишни амр этди: қайси қуш қанақа, ранги қандай, қаноти, думи ва бошқа аломатлари қандай?

Буларни таниб олишдан мақсад шуки, кесиб майдалаб ташланган қушлар қайта тирилтирилганида, аломатлари тирик пайтидаги ҳолатига мос келишини кўришдир.

Сўнгра кесиб-майдалаб ташланган қуш бўлақларини аралаштириб, сўнг атрофдаги тоғларга сочиб юборишга - ҳар жойларга тарқатишга буюрди. Кейин:

«Уларни ҳузурингга чақир!» деди.

Иброҳим (алайҳиссалом) Оллоҳ таолонинг буйруғини ерига келтирган эдилар, қушларнинг майдалаб ташланган бўлақлари қайтадан бирлашиб, асл ҳолига қайтди ва тирилган ҳолида тезлаб учиб келди.

Шу тариқа Иброҳим (алайҳиссалом) Оллоҳ таоло ўликларни қандай қилиб тирилтиришини ўз тажрибаларида кўрдилар. Раббиларига ҳамду сано айтиб сажда қилдилар.

ҚАЗО ВА ҚАДАРГА ИМОН

Қадар: Оллоҳ таоло келажақда рўй берадиган ҳар бир воқеанинг вақти, ҳолати ўрнини олдиндан белгилаб қўйган. Биз Оллоҳ таоло «Ал-Илм» сифати билан ҳамма нарсани олдиндан билиб, тақдир этганига имон келтирамиз. У барча бўлиб ўтган ва келажақда содир бўладиган воқеалар ҳақида билимга эгадир.

Қазо: Ҳамма нарса Оллоҳ таолонинг хоҳиш ва иродаси билан бўлади ва ҳар бир ҳодиса Ҳақ субҳонаҳу ва таоло белгилаб қўйган аниқ вақтда ва аниқ жойда содир бўлади.

Демак, Раббимиз ҳамма нарсани олдиндан белгилаб қўйган. Инсон эса, ўзига берилган жузъий ихтиёр билан танлаш ҳуқуқига эгадир.

Инсон қилмишлари ва улар учун жавобгарлик

1. Инсон ихтиёрисиз юз берадиган воқеалар

Бизнинг дунёга келишимиз, жинсимиз, ташқи кўринишимиз, ота- оналаримиз, ҳаёт муддатимиз - бу ишларга бизнинг ҳеч алоқамиз йўқдир ва биз ушбу ҳодисалар учун жавобгар ҳам эмасмиз.

2. Инсон ихтиёри билан содир бўладиган воқеалар

Оллоҳ таоло бизга танлаш ҳуқуқини берган. Агар танлаш ҳуқуқига эга бўлмаганимизда, Оллоҳ таоло бизни яхши амаллар учун мукофотламас ва ёмон амаллар учун жазоламас эди. Танлаган йўлимиз учун Оллоҳ олдида жавобгармиз.

Масалан, уловни миниб-бошқариб кетаётган ҳайдовчи чапга ёки ўнга бурилиши мумкин ёки тўғрига ҳайдаши ҳам мумкин. Хоҳлаган пайти эса уловни тўхтатади. Ҳалокат юз берса, ҳайдовчи мотор фаолияти учун жавоб бермайди. У нима учун тез ҳайдагани, чапга ёки ўнга бургани ёки уловни нимага вақтида тўхтатмагани учун жавоб беради.

ЁМОНЛИК ҲАМ, ЯХШИЛИК ҲАМ ОЛЛОҲДАН ЭКАНИГА ИШОНИШ

Инсон учун оқибатда хайрли бўлган иш яхшилиқдир.

Ёмонлик эса инсонга зарар етказди. Оллоҳ таоло якка-ягона яратувчидир ва У ёмонлик ва яхшилиқни яратди. Динимиз бизга яхшилиқни қилишни, ёмонликдан узоқлашишни буюрди.

Ёмонлик яратилишининг ҳикмати:

а) баъзида бизга ёмонлик бўлиб кўринган нарса аслида ёмонлик бўлмаслиги мумкин. Ҳар бир нарсада Оллоҳ таолонинг ҳикмати бор. Биз ёмон ва зарарли деб ўйлаган нарса бошқалар учун фойдали бўлиши мумкин;

б) ёмонлик бизга яхшилиқни қадрлашни ўргатади. Масалан, касал бўлмагунча инсон саломатликнинг қадрига етмайди.

Ёмонлик ва яхшиликка муносабатимиз

Биз ҳар бир яхшилик учун Оллоҳ таолога шуқр қиламиз. Аmmo бордию бошимизга бирон-бир мусибат келса, сабр этишимиз керак. Ҳар қандай ёмонликдан узоқлашишга ўринишимиз лозим.

Ризқ: Ҳар бир тирик жонзотнинг яшаши учун лозим бўлган нарса Оллоҳ таоло томонидан белгилаб қўйилгандир. Инсон ризқни қўлга киритиши шарт. Ризқни ҳалол ёки ҳаром йўл билан қўлга киритиш ихтиёри банданинг ўзидадир.

Ажал: Ердаги ҳаёт муддатининг битиши ажалдир. Ҳеч ким қачон ўлишини билмайди. Ёш ёки қарининг ажали, соғлом ёки касалнинг ажали Оллоҳ таоло белгилаб қўйган вақтда етади. Оллоҳ таоло бундай дейди:

“Қачон ажаллари келса, уни бир соат орқага ҳам, олдинга ҳам сура олмаслар” (Нахл сураси 61-оят).

КИЧИК СУРАЛАР ВА ДУОЛАР

ДИҚҚАТ: Сура ва дуоларнинг кирилча ҳарфларда ёзилганида ўқилиши арабчада ёзилганидаги ўқилишидан фарқлидир. Сураларни, оятларни ва дуоларни ёдлаганда талаффузингизни бирор устоздан ўтказиб тўғрилаб олинг. Шунда хатодан холи бўласиз, иншаоллоҳ.

«СУБҲАНАКА»

سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ وَتَبَارَكَ اسْمُكَ وَتَعَالَى
جَدُّكَ (وَجَلَّ ثَنَّاؤُكَ) وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ.

*Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдик. Ва табарокасмук. Ва та-
ала жаддук. (Ва жалла сана'ук*). Ва ла илаҳа зойрук.*

* Қавсдан ташқаридагиси барча намозни бошлашда ўқилади, қавс ичидаги қисм эса фақат жаноза намозида қўшиб ўқилади.

«АТ-ТАҲИЙЯТ»

الْتَّحِيَّاتُ لِلَّهِ وَالصَّلَوَاتُ وَالطَّيِّبَاتُ السَّلَامُ عَلَيْكَ
أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ السَّلَامُ عَلَيْنَا وَعَلَى
عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ
وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ.

*Ат-таҳийяту лиллаҳи вас-солавату ват-тоййибат. Ас-
саламу ғалайка айюҳан набийю ва роҳматуллоҳи ва баро-катух.
Ассаламу ғалайна ва ғала ъбадиллаҳис солиҳин. Ашҳаду алла
илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан ғабдуҳу ва росулуҳ.*

«ОЛЛОҲУММА СОЛЛИ»

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا صَلَّيْتَ
عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ.

Оллоҳумма солли ғала Муҳаммадин ва ғала али Муҳаммад,
кама соллайта ғала Иброҳима ва ғала али Иброҳим, иннака
ҳамидум мажид.

«ОЛЛОҲУММА БАРИК»

اللَّهُمَّ بَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا بَارَكْتَ
عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ.

Оллоҳумма барик ғала Муҳаммадин ва ғала али Муҳаммад,
кама барокта ғала Иброҳима ва ғала али Иброҳим, иннака
ҳамидум мажид.

«РОББАНА»

رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ
رَبَّنَا اغْفِرْ لِي وَلِوَالِدَيَّ وَلِلْمُؤْمِنِينَ يَوْمَ يَقُومُ الْحِسَابُ

1. Роббана атина фиддуња ҳасанатан ва фил ахироти
ҳасанатан ва қина ғазабан нар.
2. Роббанағфирли ва ли валидайя валил муъминина явма
яқумул ҳисаб.



«ҚУНУТ ДУОСИ»

اللَّهُمَّ إِنَّا نَسْتَعِينُكَ وَنَسْتَغْفِرُكَ وَنَسْتَهْدِيكَ وَنُؤْمِنُ بِكَ وَنَتُوبُ
إِلَيْكَ وَنَتَوَكَّلُ عَلَيْكَ وَنُشْنِي عَلَيْكَ الْخَيْرَ كُلَّهُ نَشْكُرُكَ
وَلَا نَكْفُرُكَ وَنَخْلَعُ وَنَتْرُكُ مَنْ يَفْجُرُكَ.

Оллоҳумма инна наста'џинука ва настағфирука ва настаҳдика ва ну'мину бика ва натубу илайка ва натаваккалу ъалайка ва нусни 'џлайкал хойро куллаҳу, нашкурука ва ла накфурука ва ла нахла'у ва натруку май йафжурук.

اللَّهُمَّ أَيَّاكَ نَعْبُدُ وَ لَكَ نُصَلِّي وَ نَسْجُدُ وَ إِلَيْكَ نَسْعَى وَ نَحْفِدُ نَرْجُو
رَحْمَتَكَ وَ نَخْشَى عَذَابَكَ إِنَّ عَذَابَكَ بِالْكَفَّارِ مُلْحِقٌ.

Оллоҳумма ийяка наџбуду ва лака нусолли ва насџуду ва илайка нас'а ва наҳфид. Нарџу џ роҳматака ва нахша џ азабака инна џ азабака бил куффари мулҳиқ.

«АЛ-КУРСИ» ОЯТИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ * اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ لَا تَأْخُذُهُ سَنَةٌ
وَلَا نَوْمٌ لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا
بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ
عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَا
يَؤُودُهُ حِفْظُهُمَا وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ



Оллоҳу ла илаҳа илла ҳувал ҳайюл қойюм. Ла та'хузуху синатув-ва ла навм. Лаҳу ма фис-самавати ва ма фил ард. Ман заллази йаифа'у 'ундаҳу илла би изниҳ. Йаъламу ма байна айдиҳим ва ма холфаҳум. Ва ла йухитунa бишайим мин ғилмиҳи илла бима шаа'. Васиға курсиййухус самавати вал ард. Ва ла йа 'удуху ҳифзу ҳума ва ҳувал ғалиййул ғазим.

ФОТИҲА СУРАСИ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ
 الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِیْنَ ﴿٢﴾ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ ﴿٣﴾
 مَالِكِ یَوْمِ الدِّیْنِ ﴿٤﴾ اِیَّاكَ نَعْبُدُ وَاِیَّاكَ نَسْتَعِیْنُ ﴿٥﴾
 اِهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِیْمَ ﴿٦﴾ صِرَاطَ الَّذِیْنَ
 اَنْعَمْتَ عَلَیْهِمْ لَا غَیْرَ الْمَغْضُوْبِ
 عَلَیْهِمْ وَلَا الضَّالِّیْنَ ﴿٧﴾

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Алҳамду лиллаҳи Роббил ғаламин. Ар-роҳманир роҳим. Малики явмид дин. Ийяка наъбуду ва ийяка настаъин. Ихдинас сиротол мустақим. Сиротоллазина анғамта ғалайҳим. Ғойрил мағдуби ғалайҳим валаддооллин. (Амин.)

1. Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи ила бошлайман. 2. Барча мактов-шукрлар оламлар тарбиячиси Оллоҳгадир. 3. (У) Меҳрибон ва Раҳмли. 4. Дин-Ҳазо кунининг подшоҳи, эгаси. 5. Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз. 6. Бизни Тўғри йўлга бошла... 7. ...шундай зотлар йўлигаки, Ўзинг уларга (Тўғри йўлни)



инъом қилгансан - улар (Сен томондан) ғазабга дучор бўлмаганлар ва залолатга кетмаганлар (адашганлар).

НАС СУРАСИ

Қул аъзузу бироббин нас. Маликин наас. Илаҳин наас. Мин шаррил вас-васил хоннаас. Аллази ювасвису фи судурин наас. Минал жиннати ван наас.

1 - 6. Айт: «Мен барча инсонлар Парвардигоридан, барча инсонлар Подшоҳидан, барча инсонлар илоҳидан (менга) ўзи жин ва инсонлардан бўлган, одамларнинг кўнгилларига васваса соладиган, (Оллоҳнинг номи эсланганида) яшириниб оладиган васвасачи (шайтон)нинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қиламан».

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

قُلْ اَعُوْذُ بِرَبِّ النَّاسِ ﴿١﴾

مَلِكِ النَّاسِ ﴿٢﴾ اِلٰهِ النَّاسِ ﴿٣﴾

مِنۡ شَرِّ الْوَسْوَاسِ الْخَنَّاسِ ﴿٤﴾
الَّذِيۡ يُّوسِّسُ فِیۡ صُدُوْرِ

النَّاسِ ﴿٥﴾ مِّنَ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ ﴿٦﴾

ФАЛАҚ СУРАСИ

Қул аъзузу бироббил фалақ. Мин шарри маа холақ. Ва мин шарри госиқин иза вақоб. Ва мин шаррин нафасаати фил ъуқод. Ва мин шарри ҳаасидин изаа ҳасад.

1 - 5. Айт: «Мен тонг Парвардигоридан (менга) Ўзи яратган нарсаларнинг ёмонлигидан; зулматга чўмган кечанинг ёмонлигидан;

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

قُلْ اَعُوْذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ ﴿١﴾ مِّنۡ شَرِّ

مَا خَلَقَ ﴿٢﴾ وَمِنۡ شَرِّ غَاسِقٍ اِذَا

وَقَبَ ﴿٣﴾ وَمِنۡ شَرِّ النَّفَّاثَاتِ فِی

الْعُقَدِ ﴿٤﴾ وَمِنۡ شَرِّ حَاسِدٍ اِذَا

حَسَدَ ﴿٥﴾



тугунларга дам солгувчи (жодугар)ларнинг ёмонлигидан ва ҳасад қилаётган ҳасадчининг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қиламан».

ИХЛОС СУРАСИ

Қул ҳуваллоҳу аҳад. Оллоҳус сомад. Лам ялид ва лам юлад. Ва лам якул лаҳу куфуван аҳад.

1. Айт: «У - Оллоҳ Бирдир». 2. Оллоҳ (барча ҳожат Ундан) кўзлангувчидир. (Ҳожатларни ва рағбатларни қондирувчидир.) 3. У туғмаган ва туғилмаган. 4. Ва ҳеч ким Унга тенг эмасдир».

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

قُلْ هُوَ اللّٰهُ اَحَدٌ ﴿١﴾ اللّٰهُ الصَّمَدُ
لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ ﴿٢﴾ وَلَمْ
يَكُنْ لَهُ كُفُوًا اَحَدٌ ﴿٤﴾

МАСАД СУРАСИ

Таббат ядаа аби лухабив ва табб. Маа агнаа ʻанху маа лухуу ва маа касаб. Саяслаа наарон зата лаҳаб. Вамро ʻатуҳхуу ҳаммаа латал хатоб. Фи л жиидихаа ҳаб-лум мим масад.

1. Абу Лаҳабнинг икки қўли қурисин! Ва қуриди (ҳалок бўлди)! 2. Мол-мулки ва касб қилиб топган нарсалари унга асқотгани йўқ. 3 - 5. Яқинда унинг ўзи ҳам, унинг ўтин орқалаган, бўйнида пишиқ толадан (эшилган) аркон бўлган хотини ҳам (ловуллаб турган) алангали дўзахга қиражак!

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

تَبَّتْ يَدَا اَبِيْ لَهَبٍ وَتَبَّ ﴿١﴾ مَا
اَغْنٰى عَنْهُ مَالُهُ وَمَا كَسَبَ ﴿٢﴾
سَيَصْلٰى نَارًا ذَاتَ لَهَبٍ ﴿٣﴾
وَاَمْرَاتُهُ حَمٰلَةُ الْحَطَبِ ﴿٤﴾ فِي
جِدِّهَا حَبْلٌ مِّنْ مَّسَدٍ ﴿٥﴾



НАСР СУРАСИ

Иза жсаа'а насруллоҳи вал фатҳ. Ва ро'айтан нааса ядхулуна фи диниллаҳи афважсаа. Фасаббиҳ биҳамди роббика вастағфирху иннаҳуу каана таввабаа.

1. Қачон Оллоҳнинг ёрдами ва галаба келса; 2. ...ва одамлар тўп-тўп бўлишиб Оллоҳнинг дини (Ислом) га кираётганини кўрсанг... 3. Бас, Роббингни поклаб ёд эт ва Унга истиғфор айт. Албатта, У тавбаларни кўплаб қабул этувчидир.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ
اِذَا جَاءَ نَصْرُ اللّٰهِ وَالْفَتْحُ ﴿١﴾
وَرَأَيْتِ النَّاسَ يَدْخُلُوْنَ فِیْ دِیْنِ
اللّٰهِ اَفْوَاجًا ﴿٢﴾ فَسَبِّحْ بِحَمْدِ
رَبِّكَ وَاسْتَغْفِرْهُ اِنَّهٗ كَانَ تَوَّابًا ﴿٣﴾

КАФИРУН СУРАСИ

Қул яа айюҳал кафируун. Лаа аьбуду маа таьбудун. Ва лаа антум ьабидуна ма аьбуд. Ва лаа ана ьабидум маа ьабаттум. Ва лаа антум ьабидуна маа аьбуд. Лакум динукум वालीа дини.

1. Айт: «Эй кофирлар! 2. Мен сизлар ибодат қилаётган нарсаларга ибодат қилмасман. 3. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Оллоҳ)га ибодат қилгувчи эмасдирсизлар. 4. Мен сиз ибодат қилган нарсага ибодат қилгувчи эмасман. 5. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Оллоҳ) га ибодат қилгувчи эмасдирсизлар. 6. Сизларнинг динингиз ўзларингиз учун, менинг диним ўзим учундир!».

(Бу сурада Ислом эълон қилган ақида эркинлиги аксини топган. 1400

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ
قُلْ يَا اَيُّهَا الْكَافِرُوْنَ ﴿١﴾ لَا
اعْبُدْ مَا تَعْبُدُوْنَ ﴿٢﴾ وَلَا اَنْتُمْ
عَابِدُوْنَ مَا اعْبُدُ ﴿٣﴾ وَلَا اَنَا
عَابِدٌ مَّا عَبَدْتُمْ ﴿٤﴾ وَلَا اَنْتُمْ
عَابِدُوْنَ مَا اعْبُدُ ﴿٥﴾ لَكُمْ
دِیْنِكُمْ وِلِی دِیْنِ ﴿٦﴾

йил бурун эълон қилинган бу эркинлик оёқости қилинганида инсоният улкан зарарлар тортди.)

КАВСАР СУРАСИ

Инна аътойнаа кал кавсар. Фа солли ли роббика ван хар. Инна шаани 'ака ҳувал абтар.

1. Албатта, Биз сенга Кавсарни ато этдик. 2. Бас, Парвардигоринг учун намоз ўқи ва (жонлиқ) сўй (қурбонлик қил)! 3. Албатта, сени ёмон кўргувчи кимсанинг думи қирқилгандир (яъни, номсиз-нишонсиз йўқ бўлиб кетгувчидир)!

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ
 اَنَا۠ اَعْطٰیْنٰكَ الْكُوْنُرَ ﴿۱﴾ فَصَلِّ
 لِرَبِّكَ وَاَنْحَرْ ﴿۲﴾ اِنَّ شَانِئَكَ
 هُوَ الْاَبْتَرُ ﴿۳﴾

МО'УУН СУРАСИ

А ро'айт аллази юказибу бид диин. Фазааликаллази ийадуъ 'бул ятим. Ва лаа йаҳудду ил. Фавайлул лил мусоллиин. Аллазиина хум ан солатиҳим сааҳуун. Аллазиина хум юроо 'уун ва йамна 'уунал ма'уун.

1. Жазо кунини ёлғон дейдиган кимсани (у қандай кимса эканини) кўрдингми (билдингми)? 2 - 3. Бас, бу егим-есирни (қўполлик билан) ҳайдаб соладиган ва (қишиларни) мискин-бечорага таом беришга тарғиб қилмайдиган кимсадир. 4 - 5. Бас, намозларини «унутиб» қўядиган кимса-

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ
 اَرَاَيْتَ الَّذِیْ یُكٰذِبُ بِالْذِّیْنِ ﴿۱﴾
 فَذٰلِكَ الَّذِیْ یَدْعُ الْیْتِیْمَ ﴿۲﴾
 وَلَا یَحْضُ عَلٰی طَعَامِ الْمَسْكِیْنِ
 ﴿۳﴾ فَوٰیْلٌ لِّلْمُصَلِّیْنَ ﴿۴﴾ الَّذِیْنَ
 هُمْ عَن صَلَاتِهِمْ سَاهُوْنَ ﴿۵﴾
 الَّذِیْنَ هُمْ یُرَاوُوْنَ ﴿۶﴾ وَیَمْنَعُوْنَ
 الْمَاعُوْنَ ﴿۷﴾



лар бўлган «намозхон»ларга ҳалокат бўлгайки, 6 - 7. ...улар риёкорлик қиладиган ва рўзгор буюмларини ҳам (кишилардан) манъ этадиган (яъни, бирон кишига фойдаси тегмайдиган) кимсалардир!

ҚУРАЙШ СУРАСИ

Ли ишлаафи Куройш. Иилаа фиҳум рихлаташ иштаа'и вас сойф. Фал йағбудуу робба ҳаазал байт. Аллазии атъамаҳум мин жу'ив ва аамана ҳум мин ховф.

1 - 2. Курайшга (агар улар Оллоҳнинг бошқа саноксиз неъматларини эсламаганларида ҳам, мана бу неъмат, яъни, улаарга) осон қилиб қўйилгани - уларга киш ва ёз сафари осон қилиб қўйилгани учунгина... 3. ...улар мана шу Уйнинг Парвардигорига ибодат қилсинлар! 4. У Зот уларни очликдан (кутқариб) таомлантирди ва хавф-хатардан тинч қилди.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

لَا يَلَا فٌ قُرَيْشٌ ﴿١﴾ اِيْلَا فُهُمْ رَحْلَةٌ
الشَّتَاءِ وَالصَّيْفِ ﴿٢﴾ فَلْيَعْبُدُوا
رَبَّ هَذَا الْبَيْتِ ﴿٣﴾ الَّذِي
اَطْعَمَهُمْ مِّنْ جُوعٍ وَّآمَنَهُمْ
مِّنْ خَوْفٍ ﴿٤﴾

«ФИЛ» СУРАСИ

Алам таро кайфа фаъала роббука би асҳабил филл. Алам йажъал кайдахум фиш тадлиил. Ва арсала ъалайҳим тойрон абаабил. Тармишҳим би ҳижаротим мин сижжишл. Фажаъалаҳум каъасфим ма'куул.

1. Раббинг фил эгаларини қандай (ҳалок) қилганини кўрмадингми? 2. У

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

اَلَمْ تَرَ كَيْفَ فَعَلَ رَبُّكَ
بِاَصْحَابِ الْفِیْلِ ﴿١﴾ اَلَمْ یَجْعَلْ
كَيْدَهُمْ فِي تَضْلِیْلِ ﴿٢﴾
وَاَرْسَلَ عَلَيْهِمْ طَيْرًا اَبَابِیْلَ ﴿٣﴾
تَرْمِیْهِمْ بِحِجَارَةٍ مِّنْ سِجِّیْلِ ﴿٤﴾
فَجَعَلَهُمْ كَعَصْفٍ مَّا كُوِلَ ﴿٥﴾



Зот уларнинг (Оллоҳнинг Каъбасини вайрон қилиш учун қўллаган барча) ҳийла-найранглари ни барбод қилмадимиз? 3 - 4. У Зот уларнинг устига сополдан бўлган тошларни отадиган тўп-тўп қушларни юбориб, 5. ...уларни қурт-кумурскалар томонидан) чайнаб ташланган сомон каби (илма-тешик) қилиб юборди!

(Ушбу воқеа юз берган йил тарихга «Фил йил» номи билан муҳрланди. Ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) «Фил йили» ўша воқеадан эллик икки кун ўтиб туғилганлар.)




Отпечатано в «Московская типография № 13»
1005005, г.Москва, Денисовский переулок, 30
1-е издание - Тираж: 4.500 экземпляров



ОСНОВЫ ИСЛАМСКИХ ЗНАНИЙ

Вероучение - Поклонение - Нравственность



Вы можете заказать
бесплатный каталог Издательства.



Книги и журналы можно заказать:

Почтовый адрес: * 25*12 г. Москва, а/я 20
Офис: г. Москва, м. Пискаревко-Раузмосская, ул. Ангарская, 21
Тел / Факс: 8 (499) 9188777 - 8 (495) / 074688. 8 (964) 818321
www.sadpress.com - izdatelstvo-sad@yandex.ru

Наши книги и журнал «Зелотой Розинк» Вы можете приобрести, обратившись в офис,
к региональным представителям, и в магазинах, продающих исламскую литературу.
Вы можете заказать их полагательным платежом, позвонив по телефону,
отправив заявку по почте, SMS или Интернету.



Лучший Прованс - 1, 2, 3

Ташкент

На две цивилизации

История Прованса - 1, 2, 3, 4, 5

Последний Вавилон

Мушкетёрский Календарь 2008



Земная жизнь и 44 Блага

История из Франции

40 Хадисов в рассказах

Моя первая книга

Исламское Вербование

Основа Исламского Эпохи

52 Печальные Притчи



Медицина Пророка

Ислам Вера Пошагово

Муаввиз Мустафа (жизнь)

Секретная Псалтирь

Жизнь в Исламе

Рассказы из истории пророка

Жизнь Пророка



Учить читать Коран

Дуа и Суре

Ваш Благотворительность Суровые

Басмы с духовными наставлениями

Красивейшая Мухаммадина

40 Секретных Хадисов

Русь Ташкент и Ташкент



Рассказы из жизни Секретного Корана

Ташкент и Ташкент

Последняя книга Пророка Мухаммада (жизнь)

Ислам

Ремеди и Пост

Курбан

Исламская Салата

История

Наши книги и журнал «Золотой Родник» Вы можете приобрести, обратившись в офис, к региональным представителям, и в магазинах, продающих исламскую литературу. Вы можете заказать их наложенным платежом, позвонив по телефону, отправить заказ по почте, SMS или Интернету.

Сайт: www.zolotoyrodnik.ru

Книги и журнал Золотой Родник можно заказать:

Почтовый адрес: 125412 г. Москва, а/я 28 - Офис: г. Москва, м. Петровско-Разумовская, ул. Ангстрем, 21
Тел / Факс: 8 (499) 9066717 - 8 (495) 7074666, 8 (364) 7818321 - www.sabpress.com / izdatelstvo-sab@yandex.ru

